69. Ҳисобий ҳарорати минус 40 °С дан паст бўлган ҳудудларда тикланадиган ва эксплуатация қилинадиган конструкциялар учун қирралари бўйлаб, уч чоклари, шунингдек бирикмаларнинг бўрчак ва тавр қисмларида тўлик чокланмасликка йўл қўйилмайди. Динамик юк қабул қилувчи конструкциялар пайвандланган бирикмаларнинг уч ва бурчак чоклари, шунингдек статик юкланган чўзма элементларда 25 mm гача қалинликдан металл учун 1 mm дан ортиқ бўлмаган ва 25 mm қалинликдан ортиқ бўлганда, қалинлигининг 4 фоизигача айрим ғоваклар ёки шлакли қўшилмаларга йўл қўйилади, бунда 400 mm чок узунлигига нуқсонлар сони тўрттадан ортиқ бўлмаслиги керак. Нуқсонлар орасидаги масофа 50 mm дан кам бўлмаслиги керак. Статик юкланган сиқилган элементлар уч ва бурчак чокларида айрим ғоваклар ва диаметри 2 mm дан кичик шлакли қўшилмаларга йўл қўйилади. Бунда чокниинг 400 mm узунлигига кўпи билаи олтита нуқсонга ёки шу узунликда битта гуруҳ нуқсонларга йўл қўйилади. Нуқсонлар орасидаги масофа 10 mm дан кам бўлмаслиги керак.

Изоҳ. Элементлар ишининг тавсифлари МК ва МКД чизмалари бўйича қабул қилинади.

70. Агар танловли назоратда йўл қўйиб бўлмайдиган нуқсонлар ошкор бўлса, унда нуқсонлар аниқланган жой яқинида қўшимча назорат билан нуқсон қисм чегараларини аниқлаш керак бўлади.

Агар қўшимча назоратда ҳам йўл қўйилмайдиган нуқсонлар топилса, чокнинг ҳаммаси назоратга олинади.

71. Пайвандланган бирикмалар чокларида ҳар қандай кўринишдаги ва ўлчамдаги ёриқлар бўлишига йўл қўйилмайди. Чокнинг ёриғи бор жойи ёриқ чегараси бўйлаб икки томондан 15 mm қўшиб тешиб чиқилиши (тешиклар диаметри 5-8 mm бўлиши) керак, шундан сўнг 74-бандига мувофиқ тешикларга қайта зенковка асбоби ёрдамида ишлов берилиши ва пайвандланиб тўғриланиши керак.

72. Назорат намуналарини механик синови учун пластиналар асосий буюм пўлатидан тайёрланиши керак. Пластиналар буюмларга шундай қилиб ёпиштириладики, бунда пластиналар чоки пайвандланаётган буюм чоки билан бир фазовий жойлашишга эга бўлиши ва буюм чокининг давоми бўлиши керак. Пластиналар асосий буюмни пайвандлаган пайвандловчи томонидан, айнан ўша пайвандлаш тартибида, материал ва ускуналарида, бажарилади.

73. Пластиналар ўлчамлари, шунингдек намуналар шакли ва ўлчамлари ҳамда ярим маҳсулотдан намуналар қирқиб олиш усулларига мос келиши керак. Бунда қўйидаги синовлар ўтказилиши керак:

статик чўзишга учма-уч пайвандланган бирикмани 2 та намуна бўйича; учма-уч, бурчак ва таврли бирикма чокининг металини 3 та намуна бўйича;

учма-уч бирикма чокини металлини ва чок олди зонасини пайванд чизиғи бўйича зарбали эгишга – 3 та;

учма-уч бирикмани статик эгишга – 2 та намунавий;

С590 маркали кам легирланган пўлатдан ясалган ҳамма бирикмаларни олмос пирамидаси бўйича қаттиқликка – металл чокнинг камида тўрт нуқтасида, худди шундай чок олди зонасида – 1 та намунада. Механик хоссаларининг меъёрланган кўрсаткичлари ушбу регламентнинг қўшимча қоидаларида келтирилади ёки лойиҳалаш меъёрлари бўйича

қабул қилинади. Қониқарсиз синов натижаларида тегишли чок олиб ташланиши керак, пайванд материалларининг сифати ва тартиблари, шунингдек пайвандчи малакаси қўшимча равишда текширилади.

74. Пайвандланган бирикмалар нуқсони қуйидаги усуллар билан йўқотилиши керак: аниқланган чок узуқлари ва кратерлар пайвандланади, бошқача нуқсонли, яъни йўл қўйилгандан ортиқ, чоклар нуқсонли жойга 15 mm дан икки томондан – қўшиб олиб ташланади ва қайтадан пайвандланади; йўл қўйилгандан ошиқ асосий металлдаги кесиклар тозаланади ва бириктирилган металлни асосийсига текис ўтишини таъминловчи тозалашдан кейин пайвандланади.

Зич бўлмаган пайвандли бирикмалар чокларини зарб қилиш йўли билан тўғрилаш ман қилинади.

Тўғриланган нуқсонли чоклар ёки уларнинг қисмлари қайтадан шаҳодатланиши керак.

75. Конструкцияларнинг пайвандлашдан кейин пайдо бўлган ва ушбу регламентнинг 9-жадвалида келтирилган катталикларидан ортиқ бўлган қолдиқ деформациялар тўғриланиши лозим. Тўғрилаш, ушбу регламентнинг 25-27-бандлари талабларини бажарган ҳолда механик ёки термомеханик таъсир усуллари билан амалга оширилиши керак.

6-§. Тешикларни очиш талаблари

76. Ҳамма монтаж тешиклари тайёрловчи корхоналарда лойиҳа диаметри бўйича очилиши керак, монтаж ишлари технологияси билан белгиланган талабларга мувофиқ лойиҳада кўрсатиб ўтилган тешиклар бундан мустасно.

Завод ва монтаж тешикларини кичик диаметрда очиш ва сўнгра лойиҳадагисига етказиб тешикни кенгайтириш, фақат бу нарса МК чизмаларида айтиб ўтилган бўлсагина бажарилади.

С440, С590 маркали пўлатдан ясалган конструкцияларда тешикларни босим билан очиш, тешиклар диаметри 15-25 mm бўлса, пўлат қалинлиги 10 mm гача бўлганда йўл қўйилади.

77. Дағал ва меъёрдаги аниқликка эга, шунингдек юқори мустаҳкам парчин ва болтларнинг номинал диаметрлари ҳамда уларга мос келувчи тешикларнинг номинал диаметрлари ушбу регламентнинг 4-жадвалида келтирилган қийматлардан ошмаслиги керак.

4-жадвал

Металл буюмлар ва тешиклар	**Номинал диаметри **, mm**										
Дағал ва меъёрдаги аниқликдаги, шунингдек юқори мустаҳкам болтлар стерженлари	–	12	14	–	16	–	20	24	27*	30	36
Парчин стерженлари	12	–	–	16	–	20	22	27	–	–	–
Тешиклар учун											
Парчинлар	13	–	–	17	–	21	23	28	–	–	–

Мустаҳкам бўлмаган	—	13*	15*	—	17*	—	21*	25*	28*	31*	—
Болтлар	—	15	—	—	19	—	23	28	—	33	39
Юқори мустаҳкам	—	—	—	—	—	—	21	25	—	31	—
Болтлар	—	—	—	—	—	—	25	30	30	—	—

* Электр узатиш тармоқлари таянчларининг конструкциялари учун қўлланилади.
** Тешик диаметри лойиҳа бўйича қабул қилинади.

78. Юқориги болтлар учун тешикларнинг номинал диаметрлари болт стерженларининг номинал диаметрларига тенг қилиб олинади.

Юқори аниқликдаги болтлар учун тешик диаметрларининг оғиши ушбу регламентнинг 5-жадвалида келтирилган қийматлардан ошмаслиги керак.

5-жадвал

Тешикларнинг номинал диаметри, mm	**Йўл қўйиладиган оғишлар, mm**
12 дан 18 гача (ичига олиб)	+0,24; 0
18 дан 30 гача (ичига олиб)	+0,28; 0
30 дан 48 гача (ичига олиб)	+0,34; 0
48 дан 80 гача (ичига олиб)	+0.4;

79. Монтаж тешикларини очиш ёки кенгайтириш, элементларни парчинлаш ёки пайвандлашдан кейин бажарилиши керак. Йиғма қисмлар ва тармоқларда монтаж тешикларни очишни кондукторларда элементларни йиғиш шароитларида бажаришга йўл қўйилади. Умумий йиғишда тешикларни кенгайтиришни йиғиш тамомлангандан кейин ва барча ўлчамлар, шу жумладап қурилиш кўтарилиши ординаталарини ҳисобга олиб текширилгандан кейин бажарилиши лозим.

80. Дағал ва меъёрдаги аниқликдаги, шунингдек юқори мустаҳкам, парчинлар ва болтлар сифати ҳамда ўлчамларидаги оғишлар ушбу регламентнинг 6-жалвалидаги талабларга жавоб бериши керак.

6-жадвал

Оғишлар турлари	**Тешиклар диаметри, mm**	**Йўл қўйиладиган оғишлар, mm**	**Тешиклар ҳар бир гуруҳида йўл қўйиладиган оғишлар миқдори**		
			Углеродли пўлат учун	**Кам легирланган пўлат учун**	
1. Парчинлар ва болтларга очилган тешиклар диаметридаги оғишлар, шунингдек уларнинг овал шакллилиги	17 гача 17 дан катта	0; +0.6 0; +1,5	Чегараланмаган		
2. 1 mm дан ортиқ уюмлар ва тешик четидаги ёриқлар.	—	—	Йўл қўйилмайди		
3. Қоралик (йиғилган пакет айрим қисмларидаги тешиклар бир-бирига тушмаслиги):	— —	— —	50 % гача		50 % гача**

1 mm гача 1 mm дан 1,5 mm гача			10 % гача	10 % гача йўл қўйилмайди	10 % гача**
4. Пакет қалинлигининг 3 % гача қийшиқлик (ўқ оғиши), аммо машинали парчинлашда 2 mm дан ва пневмтик парчинлашда 3 mm дан ортиқ бўлмаган	–	–	Чегаралан-майди	20 % гача*	Чегаралан-майди**
5. 4-бандда кўрсатилган катталиклардан ортиқ қийшиқлик	–	–	Йўл қўйилмайди		
6. Зенковкалаш чуқурли-гидан оғиш	–	±0,4	Чегараланмайди		
* Парчинлар учун ** Болтлар учун *Изоҳ*. Матрица томонидан босиб очилган тешиклар диаметри тешикларнинг номинал диаметридан 1,5 mm дан ошмаслиги керак.					

81. Дағал ва меъёрдаги аниқликдаги, шунингдек юқори мустаҳкам парчинлар ва болтлар учун лойиҳадаги диаметрда бажарилган завод тешиклари йиғилган конструкцияда қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: тешикнинг номинал диаметридан тешиклар тозалангунча 1,5 mm га кам бўлган диаметрли калибр ҳар гуруҳ тешикларнинг камида 75 % ни ўтиши керак, акс ҳолда йиғиш қайтадан ўтказилиши ва тешиклар калибр билан қайтадан текширилади; агар қайта йиғишда калибр ўтадиган тешиклар сони гуруҳдаги тешиклар сонининг 75 % дан кам бўлса, тешикларни, бирикмалар мустаҳкамлигини ҳисоблаб текшириш билан, навбатдаги катта диаметрга очишга йўл қўйилади.

82. Кондукторлар бўйича конструкциялар элементларида очилган монтаж тешиклар сифати ва жойлашишини назорат қилиш қуйидагича бажарилади;

тешикларнинг лойиҳадаги диаметридан 1 mm га кам бўлган калибрли ҳамма монтаж тешикларини синов йиғимидан кейин, қуриш баландлигини аниқлаб, текшириш. Бунда калибр ҳар бир гуруҳдаги тешикларнинг камида 85 % ини тешиб ўтиши керак. Агар калибр ҳар бир гуруҳ тешикларининг 85 % идан камини тешиб ўтса ҳамда 6-жадвал талабларига риоя қилинмаган ҳолда, ушбу конструкциянинг бошқа элементларидан қайтадан синов йиғими ўтказилади. Агар қайтадан назорат йиғимида тешиклар сифати юқорида қўйилган талабларни қониқтирмаса, ушбу монтаж тешиклар бўйича ишлов берилган кондукторлар тўғриланишга қўйилади. Ушбу кондукторлар ишлатилиб тайёрланган ҳамма конструкциялар, завод тешиклари учун кўзда тутилган нуқсонли тешикларни тўғрилаш усуллари билан, умумий йиғимга қўйилади. Монтаж тешиклари туғриланган конструкциялар жўнатиш элементларининг шахсий марка тамғасига эга бўлиши керак;

бир вақтнинг ўзида бир неча монтаж тугунлардаги тешикларнинг ўзаро ҳолатини назорат қилишга имкон берадиган йиғиш кондукторлари, фиксаторлар ёки махсус назорат шаблонлари воситасида текшириш.

Конструкциялар умумий йиғимида кенгайтирилган тешикларни қабул қилиш уларни бузишдан аввал ўтказилади.

83.Тешик четидаги ғудур (фаска)лар олинмасдан бажарилиши керак. Парчинланаётган тешиклар боғламига парчинлар каллачалари ёпишиб турадиган ерларда чуқурлиги ва диаметри бўйича 1,5 mm га раззенковка асбоби ёрдамида бурғиланиши (раззенковка қилиниши) керак.

7-§. Парчинлаш талаблари

84. Углеродли пўлатдан ясалган парчинларни қиздириш қуйидагича олиб борилади: машина билан парчинлашда 650 -700 °С ҳароратгача, пневматик болға билан 1000 – 1100 °С ҳароратгача; кам легирланган пўлатдан ясалган парчинларни қиздириш иккала усулда ҳам 1000 – 1100 °С ҳароратгача олиб борилади.

85. Бевосита парчинлашдан олдин тешиклар лой, занг, мой, нам, муз, қор ва бошқа ифлосликлардан тозаланиши керак.

86. Йиғув болтлари ва тиқинлари ҳамма бўш тешикларни парчинлаш тугагандан кейин бўшатиб олинади.

87. Пакетлар қалинлиги парчин диаметридан 5,5 мартадан ошиқ бўлганда оширилган тиқилувчан каллачалик ва конуссимон стерженли парчинларни ишлатиш лозим.

88. Парчин стержени парчинлашдан сўнг тешикни зич тўлдириб туриши керак; парчин каллачалари тўғри шаклланган, стержень ўқига нисбатан марказлаштириб ўтказилган, парчинланаётган конструкция сиртига зич ётувчи ўлчамларга эга бўлиши керак.

89. Қўйилган парчинлар сифатининг назорати, ташқи кўрик, шчуп билан текшириш, шаблон ёки чизимча (шнур) билан, шунингдек парчинларнинг иккала каллачаларини оғирлиги 0,3-0,4 kg синов болғачалари билан ҳар хил йўналишда уриш орқали бажарилади.

90. Йўл қўйилгандан ортиқ (7-жадвал) нуқсонлар билан келган парчинлар яроқсизликка чиқарилиши ва алмаштирилиши керак. Тешикларнинг тўлдирилиш зичлигининг назорати 7-жадвалнинг 2-7 ва 9-бандлари бўйича яроқсизга чиқарилган парчинларни олиб ташланаётганда бажарилади.

7-жадвал

Парчин нуқсони	**Талаб**
1. Болға зарбидан каллачанинг қалтираши ёки сурилиши	Йўл қўйилмайди
2. Каллачани парчинланаётган пакетга зич ётмаслиги	0,2 mm қалинликдаги шчуп каллача тошга 3 mm дан ичкарига кирмаслиги керак
3. Каллачанинг ёриқсимон ёки чақалиги	Йўл қўйилмайди
4. Каллачанинг кертилганлиги	2 mm дан кўп бўлмаган
5. Каллачанинг стержень ўқидан	Стерженнинг 0.1 диаметридан кўп бўлмаган
6. Кичик ўлчамли ва охиригача шаклланмаган каллача	Каллача баландлиги бўйича 0.05 стержень диаметридан кўп бўлмаган ва каллача диаметри бўйича ҳар бир томонга 0,05 стержень диаметридан кўп бўлмаган, ёки каллачани

7. Каллача атирофида тожча	ҳаммасига 0,1 стержень диаметридан кўп бўлмаган.
8. Пакет металли сиртини қисқич билан кенгайтирилганлиги	3 mm кенгликдан ортиқ бўлмаган, қалинликда ва 3 mm дан кўп бўлмаган 1,5 mm дан кам бўлган точка чопиб ташланган бўлиши керак
9. Бекиқ парчини каллача диаметри бўйича чала тўлдирилганлиги	Йўл қўйилмайди
10. Бекиқ парчин баландлиги бўйича ортиқчалик ёки етишмаслик	Стержень диаметрининг 0.1 дан камига 0.5 mm дан кўп эмас, агар бошқа элементнинг ётиш зичлигига ҳалақит бермаса.

91. Нуқсонли парчинларни олиб ташлаш — конструкция металлини шикастламасдан бажарилиши керак.

8-§. Грунтовка қилиш, бўяш талаблари

92. Ҳамма пўлат конструкциялар тайёрловчи корхонада лойиҳада кўрсатилганга мувофиқ грунтовка қилиниши керак.

93. Грунтовка қилиш ва бўяшда қуйидаги шартларга риоя қилиш керак:

пўлат конструкциялар грунтовкадан олдин ифлосликлардан тозаланиши ва ёғсизлантирилиши керак;

грунтовка қилиш фақат пўлат конструкциялар тозалангандаги сифатини текширигандан сўнг ўтказилиши мумкин, бўёвчи материаллар билан қоплаш – грунтовкалаш сифати текширилгандан кейин; ишлар бажарилишида қўлланаётган материалларда кўрсатиладиган технологияга риоя қилиниши керак;

конструкцияларда монтаж пайвандлаш зонаси чокнинг икки томонидан 100 mm кенгликда грунтовкалаш ва бўяш бажарилмайди, шунингдек, чизмаларда айтиб ўтилган юзалар ва юқори мустаҳкам болтлар ҳамда парчинлардаги монтаж бирикмаларининг тегиб турувчи сиртлари;

грунтовка қилишни ва бўяшни ташқи ҳавонинг ва конструкцияларнинг мусбат ҳарорати (5 °С дан паст бўлмаган)да ўтказиш лозим;

манфий ҳароратда грунтовка қилиш ва бўяшга, керакли сифатларини таъминловчи материаллар ва иш бажариш усуллари қўлланганда, йўл қўйилади;

бетонланиши лозим бўлган пўлат конструкциялар грунтовка қилинмайди, буялмайди, сирти цементли сут билан копланади;

рулонланадиган конструкциялар тайёрловчи заводда тез қурийдиган грунт билан грунтовка қилиниши лозим;

грунтовкаловчи ва қопловчи материаллар бир текис қатлам қилиб, узилишсиз ва оқизмасдан ётқизилиши лозим;

пневматик пуркагичлар билан грунтовка ва бўёқ ётқизилганда, сиқилган ҳаво намдан, мойдан ва чангдан тозаланган бўлиши ва ГОСТ 9.010-80 талабларига мос келиши керак.

Изоҳ. Дала устахоналарила 5 °С дан паст ҳароратда тайёрланадиган конструкцияларни монтаж жараёнида 5 °С ва ундан юқори ҳароратда грунтовка қилиш ва бўяшга рухсат берилади.

Устунлар бошмоқлари, агар иншоот тиклаш ишларига бетонлаштириш кирмаган бўлса, грунтовка қилиниши ва бўялиши мумкин.

9-§. Тамғалаш талаблари

94. Тайёрланган конструкциялар МКД чизмаларига мувофиқ тамғаланган бўлиши керак.

10-§. Қабул килиш ва жўнатиш

95. Тайёрланган конструкциялар тайёрловчи заводнинг техник назорат бўлими (бундан буён матнда ТНБ деб юритилади) томонидан грунтовка қилингунча қабул қилиниши керак; грунтовка ва бўяш сифатини қабул қилиш қўшимча равишда улар бажарилгандан сўнг амалга оширилиши керак.

96. Конструкциялар жўнатиш элементларининг чизиқли ўлчамларини ва геометрик шаклини лойиҳадагидан оғиш катталиги ушбу регламентнинг 8- ва 9-жадвалида кўзда тутилганларидан, шунингдек, ушбу регламентнинг қўшимча қоидаларида келтирилган алоҳида кўринишдаги конструкциялар учун йўл қўйиладиган оғиш катталикларидан ошмаслиги керак.



8-жадвал

Ўлчамлар ва операцияларни бажариш технологияси	**Лойиҳадаги чизиқли ўлчамларидан йўл қўйилган оғиш, ± mm**							
	Ўлчам интервали , mm							
	1,5 гача (ичига олиб)	1,5 дан ортиқ 2,5 гача	2,5 дан ортиқ 4,5 гача	4,5 дан ортиқ 9 гача	9 дан ортиқ 15 гача	15 дан ортиқ 21 гача	21 дан ортиқ 27 гача	27 дан ортиқ
I. Йиғма жўнатиладиган қисмлар **А. Қисм узунлиги ва эни**								
1. Чамалаш бўйича қўлда кислород билан қирқилган	2.5	3	3.5	4	4.5	5	–	–
2. Шаблон бўйича яримавтомат ва автоматда кислород билан, ёки қайчида, ёки аррада чамалаб қирқилган	1.5	2	2.5	3	3.5	4	–	–
3. Тиргак бўйича қайчи ёки аррада чамалаб қирқилган	1	1.5	2	2.5	3	3.5	–	–
4. Қирра рандаловчи ёки фрезер станокда ишлов берилган	0.5	1	1.5	2	2.55	3	–	–
Б. Варақланган қисмлар диагоналлари узунлигининг фарқи								
Пайвандланиши лозимлари								
5. Учма-уч	–	–	4	5	6	–	–	–
6. Устма-уст	–	–	6	8	10	–	–	–

В. Тешиклар маркалари орасидаги масофа								
7. Чеккаларидаги	2	2	2.5	3	3.5	–	–	–
8. Ёнма-ён	1.5	–	–	–	–	–	–	–
Шаблон бўйича втулкалар билан ёки узлуксиз чизиқарда ҳосил бўлган								
9. Чеккаларидаги	1	1	1.5	2	2.5	–	–	–
10. Ёнма-ён	0.7	–	–	–	–	–	–	–
II. Конструкциялар жўнатиш усулларининг энг сўнгги тайёрланишидан кейинги габаритлари								
11. Болтлар бўйича ўлчовда стежаллада йиғиладиган	3	4	5	7	10	12	14	15
12. Кондукторларда ва маҳкамланган фиксаторли бошқа мосламаларда, шунингдек фиксаторли копёр бўйича йиғиладиганлар	2	2	3	3	7	8	9	10
13. Фрезерланган сиртлар орасидаги ўлчамлар (узунлиги, эни)								
Ўрама усулда тайёрланган монтаж пайтида пайвандланадиган варақланган конструкциялар табақасининг кенглиги								
14. Учма-уч	–	–	–	7	10	12	–	–
15. Устма-уст	–	–	–	11	16	19	–	–
Ўрама усулда тайёрланган, монтаж пайтида пайвандланадиган конструкциялар табақасининг узунлиги								
16. Устма-уст	–	–	–	–	–	–	+10 -0	+20 -0
17. Устма-уст (узунлигидан қатъи назар)							–	+50 -0
III. Монтаж тешиклар гуруҳлари орасидаги масофа (тайёр элементлар)								
18. Белги бўйича йиғишда ўраниталидиган айрим қисмларда ишлов берилганда ҳосил бўлганлари	3	4	5	7	10	12	14	15
19. Фиксатор ёрдамида йиғишда ўрнатиладиган қисмларда ишлов берилганда ҳосил бўлгандари	2	2	3	5	7	8	9	10
20. Охиргача тайёрланган элементллар кондукторлари бўйича тешилганлар	0.5	1	1.5	2	2.5	3	3.5	4

Изоҳлар:
1. Ушбу жадвалнинг 3-5 , 7-14, 16, 18-20-бандлари бўйича катталикларни ўлчаш учун иккинчи синф аниқликдаги, бошқа катталикларни ўлчаш учун – учинчи синф аниқлигидаги рулеткалар қўлланиши керак.
2. 1-4-бандлар бўйича эркин қирралар учун +5 mm гача оғишга йўл қўйилади.

9 жадвал

Оғишлар	Жўнатиш элементларни лойиҳадаги геометрик шаклидан йўл қўйиладиган оғишлар
I. Қисмлар қийшайиши	
1. Варақ ва узунлиги 1 m пўлат чизғич орасидаги бўшлиқ	1,5 mm
2. Таранг сим ва бурчак учи, токча ёки швеллер девори ва иккитавр (элемент узунлиги *L)* ораларидаги бўшлиқ	0,001 *L*,10 mm дан ортиқ бўлмаган
II. Назарий чизмасидан Варақсимон қисмлар қирраси чизиқларни оғиши	
3. Учма-уч пайвандланганда	2 mm*
4. Устма-уст, таврга ва бурчакка пайвандланганда	5 mm*
III. Эгиш жараёнида оғиш	
Шаблон ва валц (ролик) лаган варақ, точка ёки профиль учи орасидаги тирқиш, эгилган	
5. Совуқ ҳолда	2 mm
6. Иссиқ ҳолда	3 mm
Габаритли варақсимон конструкциялар (айланаси диаметри *D)* айланасининг эллипссимонлиги (диаметрал фарқи):	
7. Чокланган жойидан ташқарида	0.005 *D*
8. Монтаж чоклари	0.003 *D*
IV. Жўнатиш элементлар деформацияси	
9. Таврли ва иккитаврли элементлар токчаларини чокланган ва ёпишган жайларидаги қийшиқлик	 0.005 *b*
10. Бошқа жойларда қийшиқлиги (Δ)	0.01 *b*
11. Таврли ва иккитаврли элементлар точкаларини чокланган ва ёпишган жойлардаги замбуруғсимонлик (Δ)	0.005 *b* 
12. Турли жойларда токчалар замбуруғсимонлиги (Δ)	0.01 *b*
13. Краности тўсинларнинг юқори камарлари токчаларининг қийшиқлиги ёки замбуруғсимонлиги (Δ)	0.005 *b*

14. Элементларнинг винтсимонлиги (элемент узунлиги *L.)*	0,001 *L*, аммо 10 mm дан ортиқ эмас
15. Вертикал қаттиқлик қиррали тўсинлар деворларининг бўртиб чиқиши (девор баландлиги *h*)	0.006 *h*
16. Вертикал қаттиқлик қиррасиз тўсинлар деворларининг бўртиб чиқиши (девор баландлиги *h*)	0.003 *h*
17. Краности тўсинлар деворининг бўртганлиги (девор баландлиги *h*)	0.003 *h*
18. Элементларнинг эгилиш мили (элемент узунлиги *L*)	$^{1}/_{750}$ *L*, аммо 15 mm дан ортиқ эмас
19. Панжарасимон конструкциялар элементларидаги стерженларнинг бўлиш ўқларини сурилиши, лойиҳага нисбатан	3 mm
20. Фрезерланган юза ҳолатининг лойиҳадагига нисбатан оғишининг тангенс бурчаги	$^{1}/_{1500}$
* Бўшлиқларга йўл қўйилишларига мувофиқ, аммо жадвалда кўрсатилгандан ортиқ эмас. Йўл қўйиладиган оғишлар чегарасида қирралардаги поғоналар тозалаб, йўқотилиши керак. ***Шаблон узунлиги (ёй бўйича) 1.5 m. *Изоҳ. Фрезерланган юза ва пўлат чизгич қирраси орасидаги бўшлиқ кўндаланг кесим ўлчами 0,3 mm дан ошмаслиги керак, аммо 1 m дан узун бўлмаган масофага.*	

97. Рандалаш, фрезерлаш ва тешишдан кейин сирт дағаллиги ГОСТ 2789-73 бўйича сирт тозалигининг учинчи синфдан дағалроқ бўлмаслиги керак.

98. Пўлат конструкцияларни тайёрловчи корхона ҳамма буюртма ёки унинг қисмларини тамомлагандан кейин пўлат конструкнияларга сертификат бериши керак (3-илова).

99. Жўнатиладиган конструкцияларнинг туртиб чиққан кисмлари маҳкамланган, монтаж бириктириш жойлари ифлосланишдан ҳимояланган бўлиши керак.

100. Куч узатувчи, ишлов берилган (фрезерланган) учлар, шарнир ва бошқа механик қисмлар юзалари, шунингдек таянч қисмларнинг тебраниш сиртлари мой (смазка)ланган бўлиши керак. Бундан ташқари, шарнирлар учун тешиклар ёғоч тиқинлар билан ҳимояланган бўлиши керак.

101. Тайёр элементларни строповка қилиш, завод ичида жўнатиш учун жойлаш ва транспорт воситаларига ортиш қолдиқ деформациялар ва чақалар ҳосил бўлишига йўл қўймайдиган усуллар ва мосламалар билан бажарилиши керак.

Майда бир хил элементлар (распаковкалар, боғичлар ва ҳ.к.) пакетларга боғлаб ортилиши керак.

6-боб. Бино конструкциялари ва баъзи ишлаб чиқариш иншоотлари учун қўшимча қоидалар

102. Қўйидаги бино ва иншоотларнинг пўлат конструкцияларини тайёрлашда ушбу қўшимча қоидаларга риоя қилиниши керак: транспортер галереялари, кран эстакадалари, иш майдончалари, бункерлар, қувур ва идиш (сосуд)лар таянчлари, миноралар ва қувурлар, шунингдек, тузилишлар туридаги конструциялар.

103. Элементлари устунлар ва тўсинлар деворларига умумий бирикишга эга конструкцияларда ҳар бир элементни алоҳида ўрнатиш ва вақтинча маҳкамлаб қўйиш имконияти кўзда тутилиши керак.

104. Лойиҳада таянч курсилари бўлмаган ҳолда стропила фермалари ва бошқа конструкцияларни монтаж қилишда таяниш учун устунларга монтаж курсилари пайвандланади. Бу монтаж курсиларидан монтаж давридан кейин фойдаланишга йўл қўйилмайди.

105. Заводда қуйидаги конструкцияларнинг синов ва умумий йиғимини ўтказиш лозим:

умумий массаси 20 t дан ортиқ бўлган устунлар, узунлиги 18 m дан ортиқ краности тўсинлари, узунлиги 36 m дан ортиқ стропила ва стропила ости фермалар, габаритсиз фермалар, узунлиги 24 m дан ва ундан ортиқ краности ва стропила ости фермалар;

миноралар (юзалари билан);

қувурларнинг конус қисмлари;

габаритсиз бункерлар;

транспорт галереялари конструкциялари — битта конструктив элемент (фермалар таянчлар) чегарасида.

106. Транспорт галереялари узун қурилмалари фермаларининг таянчларга бириктириш қуйидаги талабларни ҳисобга олган ҳолда бажариши лозим:

тешиклар кондукторлар бўйича очилиши керак;

лойиҳа бўйича рандаланган ёки фрезерланган, вертикал босимни қабул қилувчи планкалар юзасини йиғиш мосламаларига (копирлар, кондукторлар ва ҳ.к.) маҳкамланган кондукторлар ва фиксаторлар бўйича ўринатилиши лозим;

узун қурилмалар таянчга устидан таянганда фрезерланган ёки рандаланган таянч элементларни ўрнатиш кондукторлар ёки йиғма мосламаларга бириктирилган фиксаторлар бўйича бажарилиши ва шаблон билан текширилиши керак. Бошқа чоклар ва тугунларда монтаж тешикларини очишни кондукторлар бўйича ёки конструктив элементнинг умумий йиғимида тешиб бажарилиши керак.

107. Кондукторлар бўйича тор ихтисослашган ишлаб чиқаришларда тайёрланадиган бир турдаги тўда конструкциялар меъёр бўйича назорат йиғимига тортилиши керак, яъни ҳар бир эллигинчи конструкция ва 50 тадан кам тайёрланаётган партиянинг ҳар биридан камида биттаси. Назорат йиғимига шунингдек янги ёки таъмирланган конструкциялар бўйича тайёрланаётган ҳар биринчи конструкция назоратга олинади.

Парчинланган краности тўсинларни тайёрлашда қуйидагилар керак:

камар парчинлар учун тешик диаметрига йўл қўйилган оғишлар +0,6 mm;

вертикал варақнинг юқори қиррасини юқори камар бурчаклари қобиғи билан ёпиштириб жойлаштириш, бунда ушбу қирра ва горизонтал камар варақ орасидаги тирқиш бўшлиққа йўл қўймаслик.

108. Краности тўсинлари техник имконият ва иқдисодий мақсадга мувофиқ бўлганда тормозлаш конструкциялари билан бирга йириклашган блоклар кўринишида тайёрлаш лозим.

109. Панжарасимон конструкциялар (транспорт галереяларидан ташқари) — узунлиги 36 m гача стропила ва стропила ости фермалар, шамол ва боғламчи фермалар, тормозловчи фермалар, чироқлар, шунингдек парвонлар, майдончалар, тўсиқлар, майда

элементларни (тиргаклар, монтаж қисмлари ва ҳ.к.) пайвандлаш ушбу регламентдаги 43-бандниng 2-изоҳига мувофиқ бажарилади.

109. Лойиҳа бўйича сифати физик назорат усуллари билан текширилиши керак бўлган пайвандланган бирикмалар чокларини тайёрлаш қуйидаги усуллардан бирида назорат қилиниши лозим:

чокниниг 100 % узунлигини ультратовуш дефектоскопияси билан нуқсон аломатлари бўлган чокларнинг ҳамма қисмларини сингувчан нурланиш билан ёритиб;

сингувчан нурланиш билан ёритиш — чок учунлигининг 2 % ини қўлда ёки ярим автоматик пайвандлаш билан ва 1 % ини — автоматик пайвандлаш билан.

Пайвандланган бирикмалар чокларини ушбу регламентнинг 3-жадвалидаги 3-бандга мувофиқ танловли назорати, ҳар бир 50 m чокка, шунингдек ташқи кузатувда чок нуқсонлари борлиги тахмин қилинган жойларда, чок узунлиги камида 240 mm дан кам бўлмаган қисмда битта назорат ҳажмида бажарилиши керак.

110. Транспорт галереялари пайвандланган бирикмалари чокларнинг сифатини қуйидагича бажариш лозим:

чўзилган элементлардаги 100 % учма-уч чокларни ультратовуш дефектоскопияси билан текшириб, сўнгра нуқсон аломатлари бор чок ҳамма қисмларипи сингувчан нурланиш билан ёритиб;

қолган чокларни ультратовуш дефектоскопияси билан танловли назорат қилиб, ҳар 20 m га битта назорат ҳисобидан.

111. Ҳисобий ҳарорати минус 40 °С гача паст бўлган ҳудудларда тикланадиган ва эксплуатация қилинадиган конструкциялар учун краности тўсинларнинг чўзилган зонасидаги, ишчи майдончалар тўсинлари, ҳаракатдаги бирикмаси (состави)дан бевосита юк қабул қилувчи бошқа конструкцияларииng камар чокларн ҳамда лойиҳа бўйича деворни тешиб ўтиб пайвандланадиган бошқа чокларни назоратини ультратовуш дефектоскопияси билан чоклар узунлигииинг 100 % ини ўтказиш керак. Сўнгра, нуқсон аломати бор чок қисмларини сингувчан нурланиш билан ёритиш керак.

112. Транспорт галереялари конструкциялардан қирралари бўйича пайвандланмасдан қолишига, шунингдек, лойиҳа бўйича тўлиқ пайвандлаш талаб қилинган, пайвандланган бирикма учма-уч чокларида ва бурчак чокларда пайвандланмаган жойлар қолишига йўл қўйилмайди.

Асосий металлнинг кесикларини, дастлабки пайвандлашсиз, агар кесиклар чуқурлиги ушбу регламентнинг 64-бандида кўрсатилган қийматдан ортиқ бўлмаса, дастлабки ва кейинги тозалаш билан пайвандлаш лозим.

7-боб. Домна цехлари ва газтозалагичлар конструкциялари учун қўшимча қоидалар

113. Ушбу қўшимча қоидаларга қуйидаги обьектларнинг пўлат конструкцияларини тайёрлашда риоя қилиниши керак:

домна печларининг қобиқлари;

ҳаво иситгичлар қобиқлари;

чанг ушлагичлар қобиқлари;

крубберлар қобиқлари;

электрфильтрлар қобиқлари;

ифлосланган, тоза ва ярим тоза газ ўтказгичлар;

совуқ ва иссиқ ҳаво учун ҳавоўтказгичлар;

колошникли копраларнинг асосий конструкциялари;

ағдарилувчи мосламали ва пилонли нишабли кўприкнинг оралиқ қурилмалари;

кон қопқоқларини маҳкамлаш учун кон бункерлари тўсинлари;

лифтнинг кўтарувчи конструкциялари;

Шихтани транспортёрлар билан узатиладиган домна печлари учун транспорт галереяларини тайёрлаш, ушбу регламентнинг 4-қисми талабларини, шунингдек лойиҳанинг махсус кўрсатмаларини бажариб, амалга оширилади.

1-§. Йиғиш талаблари

114. Тайёрловчи заводда қуйидаги конструкцияларнинг умумий йиғими бажарилади:

ўчоқ қобиғи;

моратор ҳалқаси ва унга туташ ўчоқнинг юқори царгаси ҳамда шахта қобиғининг биринчи царгаси; мораторсиз печлар учун — ўчоқнинг шахтасини биринчи царгаси билан;

шахта қобиқлари, гумбазни қўшиб;

печ гумбазлари, унга туташган газ ўтказувчилар билан;

газ ўтказгичларнинг вертикал ва қия тройниклари;

айланма ҳавоўтказгич;

тублар, гумбазлар ва ҳар бир ҳаво иситгич қобиғи диаметри ўзгарадиган жойлари, унга туташган қобиқнинг цилиндрик болбоғлари билан;

гумбазлар ва чанг ушлагичлар, скрубберлар ва электрфильтрларининг пастки конуслари, ўтиш қўшимчалари, биринчи цилиндрик царга ва таянч қирралари билан;

сатҳли қия кўприкнинг бош фермалари ва тўсинлари, юқори қисмини эса — бутунлай ағдариш қурилмаси билан;

кия кўприк темир-бетон устуни (пилони);

колошникли копра рамалари;

монтаж тўсини;

колошник майдончасиниг фазовий фермаси ёки айланма тўсини;

лифтнинг кўтарувчи конструкциялари.

Изоҳ. Монтажчи ташкилотниг тайёрловчи завод билан келишган талаби бўйича, бошқа умумий ва синов йиғимлари ҳам бажарилиши мумкин.

115. Умумий йиғиш жараёнида царгалар қатламларини бир-бирига зичлаштиргандан сўнг уларга фиксаторлар пайвандланади.

Печ қобиғини умумий йиғимида ҳамма тешиклар, шу жумладан маҳкамловчи болтлар ва вертикал совитгич плиталарининг чиқиш трубкалари учун тешиклар, футеровкаловчи плиталарнинг маҳкамловчи болтлари учун тешиклар ҳамда кўзлар ва фурман асбоблари учун тешиклар қирқиб очилади.

Печ кобиғинннг ичига совитиш плитасининг ҳар бир бурчагини контурлари, ушбу бурчик учидан 100 mm узунликда бўлаклаб

ва бўёқ билан чизиқ тортиб ўтказилади. Кўзлар, совитиш плиталари ва четлари, жўнатиш элементи четларидан 200 mm дан яқин бўлган фурмен асбоблар учун тешиклар белгиланади, аммо очилмайди.

Плиталар ҳар бир қаторининг қобиқларида белгилаш, ҳар бир чўян кўз ўқидан бошлаб, икки томонга бажарилади.

Маҳкамловчи болтлар ва совитиш ҳамда футеровкалаш чиқиш трубкалари учун тешиклар ўлчамлари болтлар ва трубкалар диаметрларидан 1,6 марта катта бўлиши керак, тегишли равишда +2 mm; — 0 mm йўл қўйиладиган оғиш билан.

Буғлатиб совитувчи плиталар совитиш трубкалари учун ясси тешиклар четидан шу плиталарниг ҳимоялаш трубкалари ташқи четларигача ўлчамлар, +2 mm; - 0 mm йул қўйилган оғиш билан, 15 mm га тент бўлиши керак.

116. Домна печининг ҳамма царгаларига, уларни йиғиш давомида, ташқи ва ички томонидан керна ёки буёқ билан чўян лёткалар ўқи яхлит чизиғи ўтказилади.

117. Ҳаво иситгичларининг тубларини умумий йиғимида насадка ости қурилмаси устунлари учун чизиқ ўтказиш керн асбобида ёки бўёқ билан иккита ўзаро перпендикуляр ўқлар бўйича бажарилади. Бу устун пастки таянч плитасининг радиусидан ташқарида ўтказилади. Ҳаво иситгичлар тубларида монтаж жараёнида насадка – ости қўрилмани тубга маҳкамлайдиган қисмлар кўзда тутилиши керак.

1-§. Пайвандлаш талаблари

118. Пайвандланадиган синов бирикмалари пайвандловчиларни шаҳодатлашда пайвандланадиган конструкцияларда қўлланадиган металланиш айнан ўша маркали ва қалинликдагиси қўлланилади.

Синов бирикмалари чокларининг қирралари ва фазовий ҳолатига ишлов бериш пайвандланаётган конструкциялардаги чоклар қирраси ва ҳолатига ишлов беришга ўхшаш бўлиши керак.

Пайвандланадиган синов бирикмаларни пайвандловчиларини шаҳодатлашда пайвандлаш конструкцияларни пайвандлашда қўлланиладиган бир хил маркали ва диаметрли электродлар ҳамда симларда, шунингдек бир хил ток манбаи ва пайвандлаш тартиби ишлатилиб, бажарилиши керак.

119. Кам легирланган пўлатдан ясалган домна печлари қобиқларни электрошлак пайванди тартиби ва пайванд чоклари минимал ўлчамлари пайвандланадиган бирикмалар металли қайишқоқлиги ва ёпишқоқлиги кўрсаткичларини қуйидаги қийматларини таъминлаши керак: олмос пирамидаси бўйича қаттиқликни 300 бирликдан кўп эмас ва зарбали ёпишқоқлиги +20 °С ҳароратда 6 $kgf*m/cm^2$ дан кам эмас.

120. Пайванд чокларини керосин ёрдамида ҳўллаш йўли билан зичликка синаш ҳамма герметик бирикмалар учун, печ қобиғи ва 16 mm дан қалин қобиқ элементларидан ташқари, ўтказилиши керак.

121. Домна печи, ҳаво иситгичлар ва ҳаво иситгичларнинг ташқи ёқиш камералари, иссиқ ҳаво юбориш ўтказгичлари, айланма участкалари билан, чанг ушлагичлар, скрубберлар, электрфильтрлар ва 0,7 kgf/cm^2 дан ошиқ ортиқча босимда ишлайдиган газ ҳавоўтказгичларнинг кесимлари кесишган ва ўзгарган ерлари қобиқларининг учма-уч пайвандланадиган бирикмалари, шунингдек газ ўтказгичларнинг домна печидан чанг ушлагичгача ва чангушлагичдан скруббергача бўлган тўғри майдонларидаги чоклар сифати ультратовушли дефескопия ва сингувчан нурланиш билан ёритиш усулларида назорат қилиши керак.

EZR3847

Ушбу чоклар назорат меъёри 10-жадвалда келтирилган. Кўрсатилган усуллар билан, шунингдек, ташқи кузативда ёки ультратовуш дефектоскопиясида нуқсонлар аломатлари топилган пайванд бирикмалар чокини назорат қилиш лозим.

122. Домна печи, ҳаво иситгичлари ва чанг ушлагичлар қобиқларини пайвандлаш учун ўзгармас ток таъминлаш манбаи тармоқ кучланишини тебраниши ± 5 % дан ошиқ бўлмаганда қўлланиши мумкин.

123. Ҳаво иситгичларининг пайванд бирикмаларида асосий металл кесиклар вертикали, меридианал ва айлана чокларда 0,5 mm дан ортиқ бўлмаса йўл қўйилади.

124. Ҳаво иситгичлар қобиқлари пайвандида пайвандчининг тартиб рақами ва марка тамғаси пайвандланган бирикма чокининг бошланиши ва охирида қўйилган бўлиши керак.

125. Ҳаво иситгичлар чоклари кесимларида тўлдирилмаган жой бўлишига йўл қўйилмайди.

10-жадвал

Конструкциялар	**Чоклар умумий узунлигига % да назорат меъёри, учун (камида)**			**Ёритилиши мажбурий жойлар**
	ультратовуш нуқсоноскопияси	**пайвандлашда сингувчи нурланишда ёритиш**		
		қўл ва ярим автоматик	**автоматик ва электрошлакли**	
1. Домна печи қобиғи	100	3	1,5	Ультратовушли дефектоскопиясида топилган нуқсон аломатли чок участкалари
2. Ҳаво иситгичлар ва ҳаво иситгичларнинг ташқи ёниш камералари, иссиқ ҳаво бериш ҳаво ўтказгичи, шу жумладан айланма майдони	100	10	1,5	Ультратовуш дефектоскопиясида топилган нуқсон аломати чок участкалари. Вертикал ва айланма чоклар кесишган жойлар, ёнишининг ташқи камерасидаги гумбазни қобиқли тўсинга пайвандлашдаги учма-уч чекка чоклари
3. Чанг ушлагичлар, скубберлар электрфильтрлар, қуврўтказгичлар кесимлари кесишган ва ўзгарган ерлари – қуйидаги меъёрлардан бирига:				Чоклар кесишуви
Ультратовуш дефектоскопияси назоратисиз	-	3	1.5	Ультратовуш дефектоскопиясида топилган нуқсон аломатлари бор чоклар участкалари
	100	1	0.5	

EZR3847

Ультратовуш дефектоскопия назорати билан				
4. Га ўтказгичларининг домна печидан чанг ушлагичгача ва чанг ушлагичдан скуббергача бўлган участкаларидаги учма-уч пайвандланган бирикмалар (чоклар кесишган ва кесимлари ўзгарган жойлардан ташқари)	-	1	0.5	-

8-боб. Цилиндрик вертикал резервуарлар конструкциялари учун қўшимча қоидалар

126. Ушбу қўшимча қоидалар нефть ва нефть маҳсулотлари учун 20 000 m^3 гача ҳажмга эга деворини баландлиги 12 m дан ортиқ бўлмаган вертикал пайвандланган цилиндирик резервуарлар пўлат конструкцияларининг қуйидаги турлари учун риоя қилиниши керак: паст босим учун (2000 mm сув устигача); юқори босим учун (7000 mm сув устигача) махсус (қалқиб турувчи қопқоқлар понтонлар ва бошқалар билан):

Ҳажми 20 000 m^3 дан 50 000 m^3 гача девори баландлиги 18 m гача бўлган резервуарлар ясалишдаги лойиҳанинг ушбу бўлими талаблари билан бир қаторда, йўл қўйиладиган оғишлар ва ишлаш сифатини назоратига ҳам амал қилмоқ керак бўлади.

127. Қалқиб турувчи қопқоқлар ва понтонлар деворлари, тублари, марказий қисмлари, одатда лойиҳада кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, рулонлаб тайёрланадиган. Турғун қопқоқлар, понтон ва қалқиб турувчи қопқоқ қутилари, қаттиқлик ҳалқалари йириклашган габарит элементлар қўшимча таёрланади.

Понтонлар ва қалқиб турувчи қопқоқлар қутилари кондукторларда тайёрланиши керак. Жўнатиш элементи узунлигини ва кўндаланг кесмини лойиҳадаги йўл қўйиладиган оғиши ± 2 mm.

Заводда қуйидаги конструкциялар (бутунлигича ёки қисмларга бўлиниб) синов йиғимидан ўтиши керак:

қалқиб турувчи қопқоқлари (битта қутида илгаклаб);

понтонлар ва қалқиб турувчи қопқоқлар;

қаттиқлик ҳалқалари.

128. Монтаж пайтида айрим варақлардан бутунлигича ёки йиғма қилиб тайёрланганда айланаси бўйлаб қирқилган тублар тилимлари туб диаметри бўйича лойиҳа диаметрининг 1/750 қисмига тенг, аммо 20 mm дан кам бўлмаган, қўшимчага эга бўлишлари керак.

Деворлар тилимлари ёнма-ён варақлар қирраларида 3 mm дан ортиқ зинапоячаларга эга бўлмаслиги керак.

1-§. Пайвандлаш тартиби

129. Қалинлиги 4 mm дан ошиқ варақлардан ясалган тубларнинг ҳамма пайванд бирикмалари камида икки қават қилиб бажарилади.

130. Туб четлари учма-уч пайванд бирикмалари камида икки қатламли тагликда бажарилиши керак.

131. Тубнинг барча чоклари герметикларининг назорати вакуумда ва резервуар бошқа қисмларининг ҳамма чоклари — керосинда, ушбу регламентнинг 66-бандига мувофиқ ўтказилади.

Сингувчан нурланиш билан ёритиш назорат усули қуйидагиларда ўтказилади:

а) рулонли ярим маҳсулотлардан қуриладиган резервуарларда, заводда I ва II камарларнинг пайвандланган бирикмалари вертикал ва горизантал кесишмаларининг 100 % I, II, III ва IV ҳамда камарлар кесишмасининг 50 % текширилади;

б) варақлаш усулида қуриладиган резервуарларда – I ва II камарларнинг ҳамма вертилал бирикмалар I, II, III, IV ва камарларининг 50 % бирикмалари аксарият ушбу бирикмаларнинг горизантал бирикмалари билан кесишган жойларда;

в) тубликлар четининг ҳамма учма-уч бирикмалари уларга резервуарнинг девори туташган жойларда.

Сурат узунлиги камида 240 mm бўлиши керак.

Изоҳ. Пўлат қалинлиги 10 mm ва ундан катта бўлганда пайвандланган бирикмаларни нурлатиш ўрнига ультратовуш дефектоскопияси билан, кейинчалик нуқсон аломатли чоклар участкаларини сингувчи нурланиш билан ёритиб назорат қилишга рухсат берилади йуналтирувчиларга эга намловчи газголдерларининг пўлат конструкцияларини ясашда риоя қилинади. Улар қуйидаги элементларни ўз ичига олади: резервуар, телескоп ва қалпоқнинг тахланган конструкциялари.

9-боб. Намловчи газголдерлар конструкциялари учун қўшимча қоидалар

132. Ушбу қўшимча қоидаларга ҳажми 30 000 m^3 гача бўлган, вертикал йўналтирувчиларга эга намловчи газгодерларнинг пўлат конструкцияларини ясашда риоя қилинади. Улар қўйидаги элементларни:

резервуар, телескоп ва қалпоқнинг варақланган конструкциялари;

телескоп ва боғламалари билан қалпоқнинг ички ва ташқи йўналтирувчилари;

сув қопқоқлари;

қалпоқнинг устунлари ва стропилалари ўз ичига олади.

133. Варақланган конструкциялар тайёрлашни одатда, рулонлаб ва йириклаштирилган габаритли элементлардан бажариш лозим, лойиҳада кўрсатилган ҳоллардан ташқари.

134. Қуйида келтирилган конструкциялар, умумий йиғимдан ўтиши ёки кондукторлар бўйича тайёрланиши керак:

боғламлари билан стропил қопламалари;

гидроқопқоқлар;

боғламлари билан стропил қопламалар;

балкон майдончалари, угор ҳалқаларининг пайвандланган элементлари билан.

Гидроқопқоқ йириклаштирилган жўнатиш элементлари кўринишида тайёрланиши керак.

EZR3847

135. Қопқоқ томининг стропил ригелларини тайёрлашда қопқоқ диаметрининг 1/750 қисмига тенг қурилиш кўтарилиши кўзда тутилган бўлиши керак.

136. Резервуар туби ва деворларининг тилимлари ушбу регламентнинг 128-банди талаблари бажарилган ҳолда тайёрланган бўлиши керак.

1-§. Пайвандлаш тартиби

137. Туб четларининг учма-уч пайванланган бирикмалари тагликда, камида икки қатламда бажарилиши керак.

138. Тубнинг ҳамма чоклари ва айланма тавр чокининг герметиклигини назорати вакуумда, газголдер бошқа қисмларининг ҳамма чоклар назорати эса ушбу регламентнинг 66-бандига мувофиқ керосин билан бажарилади.

Сингувчан нурланиш билан ёритишга қалинлиги 6 mm ва ундан катта варақлардаги резервуарларнинг вертикал ва горизонтал чокларнинг ҳамма кесишмалари назоратга олинади, шунингдек туб четининг ҳамма учма-уч бирикмалари, уларга резервуар девори ёпишган жойларда.

Сурат узунлиги камида 240 mm бўлиши керак.

Изоҳ. Пўлат қалинлиги 10 mm ва ундан ортиқ бўлганда пайвандланган бирикмаларни нур билан текшириш ўрнига ультратовуш дефектоскопияси билан нуқсон аломати бор чоклар майдонларини сингувчан нурланиш билан ёритиб назорат қилишга рухсат берилади.

10-боб. Мачтали ва минорали иншоотлар конструкциялари учун қўшимча қоидалар

139. Ушбу қўшимча қоидаларга радиалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение объектларининг мачтали ҳамда минорали иншоотлари пўлат конструкцияларини тайёрлашда риоя қилиниши керак.

140. Қувурларнинг ички юзалари ишлов беришдан ва тиқинлар қуйишдан олдин чанг ва лойдан тозаланиши, 250 mm ва ундан катта диаметрли икки томони очиқ қувурлар эса грунтовка қилиниши керак.

141. Қувурлар учун фланецлардаги тешиклар деворларига ва фланецларнинг жипслашадиган текисликларига механик (қирқиб)ишлов берилиши керак.

Агар фланецлар тайёрланадиган варақланган пўлат текисланган бўлса ва 1 mm дан кам нотекисликка эга бўлса фланецлар жипслашадиган текисликларини механик ишловини ўтказмасликка рухсат берилади.

Қувурлар учун фланецлардаги тешикларни машинали кислородда қирқишга йўл қўйилади. Қувур ва фланецлардаги тешиклар девори орасидаги бўшлиқ, фланец маркази қувур ўқига мос келган шароитда, 3 mm дан кўп бўлмаслиги керак.

142. Мачталар тортиб турувчи тугунлардан фасонка қисмларни, думалоқ пўлатдан ясалган тирговучларни, кашакларни, анкерли фундаментлар тягаларини маҳкамлаш учун тешиклар 5-жадвалда келтирилган юқори аниқликдаги болтлар учун қўйим (допуск)лар бўйича, лойиҳа диаметрига очилиши керак.

143. Мачта ва минорлар жўнатиш элементларига тайёрловчи заводда монтаж кранлари учун таянчлар, ҳавозалар осиш учун қисмлар, вақтинча тортиқларни маҳкамлаш учун қисмлар бириктириб қўйилган бўлиши керак.

144. Қувур тирговучлар ва кашаклар тиқинларнинг пайвандланган бирикмалари чоклари, шунингдек қувурсимон конструкциялардаги пайвандланган кесиклар чоклари герметик қилиб бажарилган бўлиши ва 0,4 kgf/cm^3 ортиқча босимда зичликка синалиши керак.

Синовда қувурсимон элементларнинг 5 % и назоратга олинади.

Нуқсонли чоклар аниқланган ҳолда синаладиган элементлар сони икки марта кўпаяди.

Икки марта оширилган миқдордаги нуқсонлар аниқланганда, синовда мачта ва миноралариинг ҳамма элементлари назоратга олинади.

Синовда аниқланган ҳамма нуқсонлар йўқотилади, чок билан синов тамом бўлгандан кейин пайвандланади.

Элементларни герметикликка синовдан кейин қувурлар тиқинлари 4-рақамли битум қатлами билан ёпилади.

145. Мачталар ва миноралар конструкциялари элементлар ўлчамлари тўғрилигини ва ўзаро алмашишини, монтаж тугаган ерларини ишлов берилган элементларини зич ёпишиб туришини, шунингдек, монтаж тугаган ерлари ва бошқа бирикмалардаги тешикларни мос тушишини таъминлай оладиган кондукторлар бўйича тайёрланиши керак.

Конструкциялар ушбу регламентнинг 42-бандига мувофиқ равишда кетма-кет барча секциялар (панеллар)нинг синов йиғимидан ўтиши керак: мачталар — ушбу регламентнинг 11-жадвалининг 4-, 6-га мувофиқ габаритли миноралар — фазовий секцияларда, габаритсизлари — ясси панелларда (симметрия ўқигача йиғишга йўл қўйилади).

Миноларни текшириш учун камида учта секция йиғилиши керак.

Кондукторлар ва махсус мосламалар қўлламасдан бажариладиган, якка тайёрланадиган панжарасимон мачталар ва миноралар конструкциялари, шунингдек ечилувчи консолли мачталар таянч секциялари тайёрловчи заводда умумий йиғимга тортилиши керак.

Якка тайёрланадиган варақланган қувурсимон мачталар конструкциялари умумий йиғимга назоратга олинади, умумий йиғимда фикскаторлар ўрнатилади ва ҳосил қилувчи цилиндрик юзадан мачтагача бўйлама ўқи назоратга олинади ва ундан бошлаб ҳамма ласменлар, эшиклар ва тешиклар ҳолатлари белгиланади.

Мачта ва миноларни тайёрланган конструкцияларнинг ҳақиқий ўлчамлар лойиҳасида йўл қўйиладиган оғишлари 11-жадвалда кўзда тутилганларидан ошмаслиги керак. Заводда пайвандланган чокларни мустаҳкамлиги физик усуллар билан пайвандланган бирикмалар сифатини 100 % назорат қилинган пўлат мустаҳкамлигидан кам бўлмаганда қўллашга йўл қўйилади.

146. Варақланган қувурсимон мачталар (монтажлиларни қўшиб) учма-уч пайвандланган бирикмалари, диаметри 1500 mm ва ундан катта, сингувчан нурланишда ёритиш назоратига олиниши керак. Ёритиш қўлда ёки ярим автоматик пайвандлашда пайванд чоклари узунлигининг 2 % ида ва автоматик пайвандлашда 1 % ида ўтказилади.

Назорат, аксарият ҳолда, чоклар кесишган ерларда ўтказилади.

147. Мачта ва миноларнинг тайёрланган конструкциялари ушбу регламентнинг 8-, 9- ва 11-жадвалларида кўрсатилгандан ортиқ оғишларга эга бўлмаслиги керак.

EZR3847
EZR3847
EZR3847
EZR3847
EZR3847
EZR3847

11-жадвал

Оғишлар турлари	Йўл қўйиладиган оғишлар
Мачталар ва миноралар	
1. Битта секцияда айрим камарлар узунлигининг фарқи. 2. Камарлар фланецларининг амалдаги ва лойиҳадаги ҳолатлари ўртасидаги бурчак тангенси.	$^1/_{1000}$ базадан, аммо 2 mm дан кўп эмас $^1/_{1500}$
3. Икки ёнма-ён фланецлар орасидаги бўшлиқлар: камар қувури атрофидаги кенглиги 20 mm ҳалқа чегарасида; фланеслар орасидаги ташқи қирралар олдида.	 0,5 mm 3 mm
Панжарали ва варақ қувурли мачталар	
4. Умумий ва синов йиғмида мачта танаси ўқининг эгилиш мили (йиғиладиган қисм узунлиги тортқичлар қатламлари орасидаги масофадан кам эмас)	Тортқичлар яруслари орасидаги масофанинг $^1/_{750}$ қисми
5. Тахланган қуврли мачта ҳосил қилувчиларнинг, 1 m узунликдаги тўғри чизиқли шаблон билан ўлчанадиган, маҳаллий қийшайишлари (2 mm чуқурликкача бўлган қийшайишлар ва ўйиқлар ҳисобга олинмайди)	Қийшайган майдон узунлигининг $^1/_{50}$ қисми, аммо қувр девори қалинлигининг 0,5 дан кўп эмас
6. Умумий ва синов йиғимида фланнецли бирикмалардаги болтлар учун тешикларнинг қоралиги	1.5 mm
7. Панжарасимон ва қувурсимон мачталар тортиқларини маҳкамлаш учун фасонкалар амалдаги ва лойиҳадаги ҳолатлари орасидаги масофанинг оғиши	1*
8. Битта фланецли бирикмада фасонкалар қалинлигидаги фарқ	1 mm
9. Тугун маркази ва кашкалар, тирговучлар ва диафрагмалар элементлари фасонкаларининг биринчи тешиги орасидаги масофанинг оғиши	± 3 mm
10. Тирговуч ва кашакларни маҳкамлаш учун фасонкалар амалдаги ва лойиҳадаги ҳолатлари орасидаги бурчак	1*
Бошқа конструкциялар ва қисмлар	
Ўлчамларда оғишлар	
11. Монтаж механимларини ўрнатиш учун ва улар ўлчамларини мослаштиришда хизмат қиладиган таянч курсилар	± 2 mm
12. Монтаж ишларига (ҳавозалар осиш учун ва бошқалар) мўлжалланган бошқа қисмлар	± 4 mm
Изоҳ. Лифтлар учун йўналтирувчилар, дарчалар ва қисмлар ўлчамларидаги оғишлар лойиҳада ўрнатилади.	

11-боб. Гидротехника иншоотлари конструкциялари учун қўшимча қоидалар

148. Ушбу умумий қоидаларга қуйидаги гидротехника иншоотларининг пўлат конструкцияларини тайёрлашда риоя қилиниши керак:

қопқоқларнинг ҳаракатчан конструкциялари (шу жумладан кема ўтказувчи шлюзлар дарвозалари ва доклар) ва айирувчи тўғонлар;

ифлос ушлагич панжаралари, сузувчи тўсиқлар ва бошқа сув ўтказувчи тешиклар бегона нарсалар йўлини тўсувчи қурилмаларнинг ҳаракатчан конструкциялари;

қопқоқлар ва ифлос ушлагич панжараларининг гаров қисмлари;

пўлат қопламалари ва экранлари;

гидроэлектр ва насос станциялари пўлат қувурўтказгичлари;

бараварлантирувчи минорларни;


кема юрувчи шлюзлар ва гидроэлектрстанциялар иншоотларини боғлаб қўйиладиган жой (причал)нинг қурилмалари;




механизмлар тагидаги тўсинлари ва эстакадалари.

149. Минус 40 °С дан паст ҳисобланган ҳароратда ўрнатиладиган ва эксплуатация қилинадиган пўлат конструкциялар тайёрлашда уларнинг механик қисмларb ва резинадан ишланган қисмларига нисбатан паст ҳароратларда эксплуатация қилинадиган машиналар ва асбоблар ҳамда бошқа техник маҳсулотларга қўйиладиган давлат стандарти талабларига риоя қилиниши керак.



150. Тайёрланган конструкциялар ҳақиқий ўлчамларини лойиҳадагидан оғиши ушбу регламентнинг 8- ва 12-жадвалларда кўрсатилган қийматлардан ошмаслиги керак.



12 жадвал


Оғишлар турлари	**Йўл қўйиладиган оғишлар**
Ясси сегментлар ва қопқоқ (затвор)лар 	
1 .Узунликларнинг L, баландликнинг H, қияликнинг B оғиши	- (2 mm + 0,001 X), X ўрнига тегишли равишда ёки L, ёки H, ёки B қабул қилинади
2. Қопқоқ ва подвес ўқлари орасидаги масофа i_1 нинг оғиши	- (1 mm +0,0003 i_1)
3. i ва i’ ҳамда h ва h’ орасидаги фарқ бунда i ва i’ – чекка таянч устунлари геометрик ўқлари орасидаги масофа, тегишли равишда пастки ва устки ригелларнинг геометрик ўқлари бўйича ўлчанган; h ва h’ - тегишли равишда чап ва ўнг чекка – таянч устунлар геометрик ўқлари бўйича ўлчанган пастки ва устки регеллар геометрик ўқлари орасидаги масофа	3 mm
4. Диагоналлар узунлигининг фарқи	0,001 D, аммо 10 mm дан ортиқ эмас

5. Горизантал текисликда устки қатлам ва ригелларнинг эгрилик мили f (фақат босим томонига)	0,0006 H
6. Айнан ўша вертикал текисликда f_1 (қопқоқ ҳар бир секциянинг ўртасида)	0.001 H
7. Вертикал текисликда ригеллар эгрилик мили f_3	0,001 L, аммо 15 mm дан кўп эмас
8. Резинали зичлагичли бор қопқоқ пичоғи қиррасининг эгрилик мили f_3	$\pm$ 3 mm
9. Резинали зичлагичли йоқ қопқоқ пичоғ қиррасининг эгрилик мили f_3 	$\pm$ 1 mm
10. Пичоқ қирралари икки учини бирлаштирувчи чизиқнинг қопқоқ ўқига перпиндикулярдан оғиши бурчагининг тангениси α (изоҳнинг 1-бандига қаранг) 	$\frac{5}{h1}$
11. Зичланишлар ўрнатилиш текислиги бўйича ёки зичлагичларни маҳкамловчи болтларга қўйиладиган тешиклар маркази бўйича ўлчанадиган зичлагич контурининг винтсимонлиги	3 mm + 0,0002 L
12. Қопқоқ конструкциялари зичликсиз контури винтсимонлиги	6 mm + 0,0004 L
13. Қопқоқ сегменти оёқлари узунлигининг N оғиши	$\pm$ 0,001 N, аммо 5 mm дан кўп эмас
Икки табақали дарвозалар тавақалари 	
14. Қалинлиги B, узунлиги i ва баландлик h нинг оғиши	- (2 mm + 0,001 X), ўрнига тегишли равишда B, ёки i, ёки h қўйилади
15. Диоганаллар узунлигининг фарқи	0,001 устун баландлиги, аммо 10 mm дан кўп эмас

EZR3847

16. Вереял устун K ва створ устуни K_1 (ҳар қандай текисликда) эгрилик мили	0,001 устун баландлиги, аммо 10 mm дан кўп эмас
17. Горизантал текисликда устки қатлам ва ригеллар эгрилик мили f	0,006 i
18. Створ ўртасида вертикал текисликда устки қават эгрилик мили f_1 (фақат босим томонга)	0,001 h
19. Вертикал текисликда ригеллар эгрилик мили f_2	0,001 i. аммо 10 mm дан кўп эмас
Ғилдиратиб очиладиган дарвозалар 	
20. Таянч-ҳаракатланувчи қисмлар ҳолатини белгиловчи i оғиши	± 0,001
21. Қиялик тангенси оғиши α	± 0.001
Қувур ўтказгичлар 	
22. Гардиш (обечайка) учларида ташқи айлана узунлигининг оғиши	± 0,3 δ аммо 10 mm дан кўп эмас
23.Чокланган жойларда қирралар сурилиши	± 0,3 δ аммо 3 mm дан кўп эмас (ўрта **мустаҳкам** пўлат учун бўйлама чокларда – 2 mm дан кўп эмас)
24. Габаритсиз қувурўтказгич ёки баробарлаштирувчи минора битта камари таркибига кирадиган кенглиги орасидаги фарқ	2 mm
25. Қатгиқлик ҳалқалари (ёки таянч) ички қирраси ва узунлиги 1500 mm шаблон орасидаги маҳаллий бўшлиқлар	200 mm дан ортиқ бўлмаган узунликда 2 mm
26. i узунлигининг оғиши туғри звенони ёки камарини фасонли звенони ёки камарини	± (2 mm + 0,001 i) ± (2 mm + 0,0005 i)
27. Масофанинг оғиши қаттиқлик ҳалқлари орасидаги b қаттиқлик ҳалқаларидан (ёки таянч) **камар** четигача c	± 30 mm ± 15 mm
28. Қаттиқлик ҳалқалари (ёки таянч) ён юзаси ва 1 m узунликдаги пўлат чизғич орасидаги бўшлиқ	3 mm
29. Қаттиқлик ҳалқасиниг (ёки таянч) лойиҳадаги ҳолатидан оғиши бурчагининг тангенси	± 0,005
30. Камарлар уч томонларининг қийшиқлиги m	3 mm

31. Қувурўтазгич компенсатори звенолари ички ва ташқи юзалари орасидаги бўшлиқларнинг оғиши 	+0.5 *K* - 0,2 *K*
Гаров қислар 	
32. Ишлов берилмаган сатҳли айрим пайвандланадиган ёки прокатланадиган профиллардан ташкил топган гаров қисмларининг эгрилик мили: *f* — қопқоқ юкининг таъсири текислигида *А — А* f_1— қопқоқ юкининг таъсирига перпендикуляр текисликда *Б — Б* қопқоқ ишчи зонаси чегарасидан ташқарида жойлашган унсурлар учун: *f — А—А* текислигида f_1— *Б—Б* текислигида	0,001 *i*, аммо 4 mm дан ортиқ эмас 0,002 *i*,юаммо 5 mm дан ортиқ эмас 0,002 *i* , 6 mm дан орти эмас дап ор- 0,002 *i* аммо 6 mm дан ортиқ эмас
33. Гаров қисмлар жойлашиш зонасидан қатьи назар, ишлов берилган сатҳли айрим пайвандланган ёки оралиқ профилларидан тпшкил топган, гаров қисмлариинг эгрилик мили: *f — А—А* текислигида f_1 — *Б—Б* текислигида	0,0005 *l*, аммо 1 mm дан , ортиқ эмас 0,001*l*, аммо 3 mm дан ортиқ эмас
34. Рельс цилиндрик юзаси ўқининг йўл ўқидан сурилиши	± 2 mm
35. Сирғалувчи қопқоқлар учун рельснинг ишчи юзасидаги маҳаллий чуқурчалар	0,3 mm, 1 m узунликдаги рельс иккита чуқурча
36. Сирғалувчи қопқоқлар учун рельс квадрати ва гаров қисм орасидаги маҳаллий боши берк бўшлиқлар (изоҳнинг 2-бандига қаранг)	0,1 mm гача битта бўшлиқ 1 m рельс узунлигига 100 mm дан кўп эмас узунликдаги
37. Сирғалувчи қопқоқлар учун рельс квадрат ва гаров қисм орасидаги маҳаллий боши берк бўшлиқлар (изоҳнинг 2-бандига қаранг)	0,3 mm га иккита бўшлиқ 1 m релс узунлигига 100 mm дан кўп эмас узунликда
38. Қопқоқнинг гаров қисмлари тирқишли конструкцияларини жўнатиш элементни учлари бўйича ўлчанадиган винтсимонлиги	0,001 узунликда
Қопқоқлар зичловчи элементлари билан тегишмайдиган бўшлиқлар тирқишларининг ясси қопламалари	



39. Қоплама текислигида эгрилик мили f улаш усулида: устма-уст учма-уч	0.002 i, аммо 10 mm дан кўп эмас 2 mm
40. Қоплама текислигидап эгрилик мили f_1	0,002 i ва 0,002 h аммо 10 mm дан кўп эмас
41.i ва i’ ёки h ва $h’$ қирралари орсида ўлчанадиган облицовка ўлчамлари ўртасидаги фарқ	2 mm
42. Диагонал узуилиги фарқи, бириктиришда: устма-уст учма-уч	 10 mm 2 mm
43. Маҳаллий ўйиқлар (жўнатиш **элемент**ига)	Чуқурлиги 10 mm дан ортиқ бўлмаган 3 та ўйиқ
Қопқоқнинг зичловчи **элемент**лари билан тегишиб турувчи ясси қопламалар ва парда тўсинлар	
44. Қоплама текислигидан, истаган йўналишда ўлчанган, эгрилик мили, текисликлар учун: ишлов берилмаган ишлов берилган	 + 3 mm ҳар 1 m узунликка, аммо ҳамма узунликка +6 mm дан ортиқ эмас + 1 mm ҳар 1 m узунликка, аммо ҳамма узунликка +3 mm дан ортиқ эмас
45. Маҳаллий ўйиқлар, текисликларда: Ишлов берилмаган (жўнатиш **элемент**ига) ишлов берилган	5 mm гача ўйиққа йўл қўйилмайди
Изоҳлар: 1. Бириктирилган секцияли қопқоқларда h_1 ўлчами секцияларнинг юқори ва пастки, ғилдираклари орасида ўлчанади. 2. 36- ва 37-бандлар бўйича бўшлиқлар пайвандлашдан аввал рельсни гаров қисмларга зич сиқилгандан сўнг ўлчанади.	

151. Заводда қўйидаги габаритсиз конструкцияларнинг умумий йиғими бажарилиши керак: ҳамма турдаги қопқоқларини ҳаракатчан конструкциялари, тирқишли


конструкциялар, мураккаб шаклдаги қувурўтказгичлар элементлари (тирсаклар, туташтирувчи камералар, тармоқлар, компенсаторлар ва ҳ.к.).

152. Габаритли конструкциялар тайёрловчи завод томонидан, уларга таянч характчан ва зичловчи қурилмалар қўйилиб етказилади.


Габаритсиз конструкциялар таянч-ҳаракатчан тугунлар ва бутловчи қисмлари умумий йиғмада, маҳкамланадиган тешикларни лойиҳадаги диаметрга пармалаб, қабул қилиниши керак.


Таянч-ҳаракатчан қурилмалар ўрнатилаётганда лойиҳадаги ҳолатидан йўл қўйиладиган оғишлар ушбу регламентнинг 13-жадвали бўйича қабул қилиниши керак.


13-жадвал

Оғишлар турлари	**Йўл қўйиладиган оғишлар**
Ғилдираклар 	
1. Тўртинчи ғилдиракни ғилдиракка тегишли текисликдан оғиши: а) бўйлама боғловсиз қопқоқларда, i_1 ҳисобланган оралиқда: 5 m гача 5 m дан юкори 10 m гача 10 m дан юқори б) бўйлама боғловли қопқоқларда, i_1 ҳисобланган оралиқда: 5 m гача 5 m дан юкори 10 m гача 10 дан юқори	 $\pm$ 0,001 i_1 $\pm$ (3 mm + 0,0004 i_1) $\pm$ (5 mm + 0,0002 i_1) $\pm$ 0,007 i_1 $\pm$ (2,5 mm + 0,0002 i_1) $\pm$ (3 mm + 0,00013 i_1)
Агар габаритли қопқоқ балансир аравачалари билан таъминланган бўлса, кўрсатилган оғишлар балансир аравачалар шарнир ғилдиракларининг таянч юзалари маркази ҳолатига тегишли бўлади.	
2. Ғилдирак айланишининг геометрик ўқини қопқоқ горизонтал ўқига оғиш бурчагининг тангенси α	$\pm$ 0,003
3. Ҳисобланган ярим оралиқ оғиши $i_2/2$ (ғилдираклар ўрта текислигидан қопқоқ ўқигча масофа)	$\pm$ (1 mm + 0,00015 i_1)
4. Қопқоқнинг бир томонида жойлашган ғирдираклар ўқлари орасидаги h масофанинг оғиши	$\pm$ (2 mm + 0,0007 h)
5. Четки (ён томондаги) ғирдираклар ишчи юзаси энг чекка нуқтасидан қопқоқ ўқигача $i_1/2$ масофанинг оғиши	$\pm$ (1 mm + 0,00015 i_2)
6. Йиғилган балансир аравачанинг баландлиги бўйича оғиш	+3 mm

Ёғоч қатламли пластикдан ясалган сирғалувчи ғўлалар



7. Сирғалувчи ғўлали қопқоқларда таянч – охирги устунларининг ҳамма узунлиги ички бир учини сирғалувчи ғўланинг учта бошқа ишчи юзаларига тегишли текисликдан оғиши	Ушбу жадвал ушбу 1-банд бўйича
8. Тўртта катта сирғалувчи ғўлали қопқоқларда битта сирғалувчи ғўла ишчи юзаси ўртасининг учта бошқа сирғалувчи ғўла ишчи юзалари ўртасидан ўтадиган текисликдан оғиши	Айнан ўша
9. Ҳисобланган $i_1/2$ *ярим оралиқ оғиши* (сирғалувчи ғўлалар текислиги ўртасидаги қопқоқ ўқигача)	$\pm$ (1 mm + 0,00015 i_1)
10. Сирғалувчи ғўлалар ҳалқасига тегишли тешиб турувчи юзалар ва тўсиқ (затвор) пўлат конструкцияси орасидаги боши очиқ бўшлиқлар  Ишлов берилмаган юзалар Ишлов берилган юзалар	$\alpha \leq$ 1 mm узунлиги 200 mm дан ортиқ бўлмаган айрим майданларда ва шундай майдонлар узунлиги йиғиндиси ғўла ҳамма узунлигининг 20 % дан кўп эмас $\alpha \leq$ 0,3 mm узунлиги 100 mm дан ортиқ бўлмаган айрим майдонларда ва шундай майдонлар узунлиги йиғиндиси ғўла ҳамма узунлигининг 15 % дан кўп эмас
11. Полоз обоймаси тешиб турувчи юзалари ва қопқоқ пўлат конструкцияси орасидаги боши берк юзалар	

 Ишлов берилмаган юзалар Ишлов берилган юзалар	$\alpha \leq 0.5$ mm $b \leq 0,1$ d бўшлиқлар узунлиги йиғиндиси ғўла ҳамма узунлигининг 50 % дан кўп бўлмаган $\alpha \leq 0.3$ mm. $b \leq 0,1$ d бўшлиқлар узунлиги йиғиндиси ғўла ҳамма узунлигининг 25 % дан кўп бўлмаган
12. Сирғалувчи ғўла ишчи юзаси ва 1 m узунликдаги чизғич орасидаги бўшлиқ	1 mm
13, Сирғалувчи ғўла ишчи юзасининг ўнга перпиндикуляр текисликдаги эгрилик мили	1 mm 1 m га, аммо полоз узунлиги 2 mm дан ошиқ эмас
14, Сирғалувчи ғўла ишчи юзасида ёғоч қатламли пластик ғўлачалар туташган сиртдаги токчалар	0,2 mm
Икки табақали дарвозалар таянч қисмлари	
15. Таянч таглик ғилоф учун тирқиш ўқининг сурилиши	± 3 mm
16, Таянч вертикал ўқи оғиш бурчаги тангенси	0,003
17. Рител ва товон устида жойлашган товонни мойлаш учун тешиклар сурилиши	Тешик диометрини 0.1 қисми, аммо 2 mm дан кўп эмас
Битта осмадаги ясси қопқоқлар	
18. Эркин осилган қопқоқ вертикал геометрик ўқининг оғиши	1 mm қопқоқ баландлигининг 1 m га

153. Тайёрловчи завод томонидан анкер қисмлар, қистирма(закладной) қисмлар ва қопламаларга ўрнатилмайди, аммо конструкциялар билан биргаликда юклаб жўнатилади.

154. Резина зичлагичларни чоклаш иссиқ вулканизация билан бажарилади.

155. Конструкцияларнинг жўнатиш элементларида строповкалаш жойлари ва оғирлик марказлари кўрсатилган бўлиши керак, конструкциялар строповка ва кантовка учун қурилмалар билан таъминланган бўлиши керак.

156. Таянч-ҳаракатчан ва гаров қисмларининг механик ишлов берилган ва бўялмайдиган сиртлари коррозиядан ҳимояланган ҳамда транспортировка ва монтаж вақтида шикастланишдан сақланган бўлиши керак.

1-§. Пайвандлаш тартиби

157. Пайвандланган бирикмалар уларнинг конструктив бажарилиши ва кучланган ҳолатга қараб I, II ва III тоифаларга бўлинади.

Пайвандланган бирикмалар тоифаси ишчи чизмалари чокни шартли белгилашда рим рақамда охирги белги билан кўрсатилади. Бундай белги йўқлигида бирикма III тоифали бирикма сифатида назорат қилинади.

156. I ва II тоифали пайвандланган бирикмалар механик хоссалари ҳар бир пайвандни маҳсулотни ёки бир ҳил маҳсулот партиясини пайвандлашни бош даврида пайвандлаб қўйган назорат пластинкаларини синовлари билан тасдиқланиши керак. Назорат пластиналари пайванди ушбу регламентнинг 72-банди талабларига мувофиқ бўлиши керак.

157. Пайвандланган бирикманинг чўзилишдан вақтинчалик қаршилиги асосий металлнинг вақтинчалик қаршилигининг пастки чегарасидан кам бўлмаслиги керак.

Кесикли намуналарда чоколди зонада пайвандлаш чегарасидан 2 mm масофа ва чок ўқи бўйлаб кесикли намуналар синов ҳарорати плюс 20 °С бўлганда ёпишқоқлик 8 kgf*m/cm^2 дан кам бўлмаслиги керак. Зарбали ёпишқоқликни аниқлаш учун намуналар қайтадан пайвандланган чок томонидан кесиб олинади.

Қалинлиги 40 mm бўлган металл учун пайвандланган бирикманинг металл қалинлигига тенг радиусли гардиш атрофида, чоки кўндаланг жойлашган намуналарда аниқланган, чоки кўндаланг жойлашган намуналарда аниқланган, эгилиш бурчаги углеродли пўлат учун 120 °С дан кам бўлмаслиги ва кам легирланган пўлат учун 100 °С дан кам бўлмаслиги керак. Эгилишга синаш учун намуналар металл қалинлиги 40 mm дан ортиқ бўлганда 40 mm қалинликкача рандаланади.

Эгилишга синов ўтказилганда қайтадан пайвандланадиган чўзилган зонада жойлашган бўлиши керак. Чок металлининг ва чок олди зонанинг олмос пирамидаси билан аниқланган қаттиқлиги 350 бирликдан катта бўлмаслиги керак.

158. Пайвандланган бирикмалар назоратининг физик усуллари (ультратовуш дефектоскопиясини, сингувчи нурланиш билан ёритиш ва б.) дан қўйидаги ҳажмда қўлланади:

I тоифа бирикмалар учун чокнинг бутун узунлиги бўйича;

II тоифа бирикмалар учун чок узунлигирирг камида 50 %;

ташқи кузатув асосида ички нуқсонлар тахмин қилинадиган майдонларда - III тоифа бирикмалари учун.

Изоҳ.

1. II ва III тоифали чокларни ультратовуш билан назорат қилганда, сифат тўғрисида хулосаларнинг ишончлилиги нуқсон аломатлари бор чокнинг ҳамма майдоларининг талновли сингувчан нурланиш билан ёритиб тасдиқлаши керак.

2. Махсус пўлатлардан (юқори, мустаҳкам, зангламайдиган ўрта мустаҳкам) ясалган бирикмалар ва прокат билан қўйилган бирикмаларнинг физик назорати усуллари ҳамда регламент талаблари лойиҳа билан белгиланади.

159. Назоратнинг физик усуллари билан аниқланган ёриқлар, пайвандланмасдан қолган ерлар ва ғоваклар тўплами кўринишидаги ички нуқсонлари бор I тоифали чоклар тўғриланиши ва қайта текширилиши керак.

Бирламчи, чок юзасига чиқмайдиган шлак қўшилмаларга ва диаметри 3 mm дан катта бўлмаган ва чуқурлиги металл қалинлигининг 10 % дан кўп бўлмаган ғовакларга йўл қўйилади, агар улар бир-биридан 200 mm дан кам бўлмаган масофада жойлашган бўлса.

II ва III тоифали пайвандланган бирикмалардаги нуқсонлар ўлчамлари ва узунлиги бўйича ушбу регламентнинг 5-бобида кўрсатилган қийматлардан ошмаслиги керак.

2-§. Коррозияга қарши ҳимоялаш тартиблари

160. Габаритли конструкциялар тайёрловчи заводларда грунтовка қилинади ва бўялади. Габаритсиз конструкцяларни тайёрловчи заводада фақат грунтовкалашга рухсат этилади.

161. Бетонлаш лозим бўлган конструкциялар сиртлари тайёрловчи заводда тўфон ва зангдан тозаланади. Батамом тозалаш монтажда бевосита бетонлашдан олдин бажарилади.

12-боб. Электрузатиш ҳаво йўллари устунлари ва кичик станцияларнинг очиқ тақсимловчи қурилмаларнинг конструкциялари учун қўшимча қоидалар

162. Ушбу қўшимча қоидаларга электрузатиш ҳаво йўллари (бундан буён матнда ҲЙ деб юритилади) устунлари ва кучланиши 1000 V дан ортиқ очиқ тақсимловчи қурилмаларининг (бундан буён матнда ОТҚ деб юритилади) пўлат конструкцияларни тайёрлашда риоя қилиши керак.

ҲЙ махсус таянчлар тайёрланганда ушбу қисм билан бир қаторда лойиҳа талабларига амал қилиш лозим.

163. Қирқилишга ишлайдиган нормал ва дағал аниқликдаги болтлар учун тешикларнинг номинал диаметрлари болт стерженлари номинал диаметридан 1 mm га катта қабул қилиниши керак.

Тешиклар диаметридаги оғишлар 0; +0,6 mm чегарасида йўл қўйилади. Матрица томонидан очилган тешиклар диаметрлари тешиклар номинал диаметридан 1.2 mm дан кўпга ошмаслши керак. Тешиклар номинал диаметрлари ва юқори аниқликдаги болтлардаги оғишлар ушбу регламентнинг 77- ва 78-бандларига мувофиқ равишда қабул қиланади.

164. Тўлиқ диаметрга қиздириб тешик очиш қалинлиги 12 mm дан кўп бўлмаган С235. С245, С255 маркали пўлатдан ва қалинлиги ЮММ бўлган С285, С345, С375 маркали пўлатдан ясалган элементларда йўл қўйилади. Тешик ўқидан элемент четигача лойиҳа бўйича масофа тешик диаметрининг 1,5 га тенг бўлганда тешиш фақат пармалаб бажарилади.

165. Тўлиқ диаметрга қиздириб тешик очишдаги талабларга риоя қилиниб бажарилиши керак:

штемпель ва матрицанинг емирилиши диаметр бўйича ± 0,3 mm дан ошишига йўл қўйилмайди;

штемпель томонидан ҳам, матрица томонидан ҳам тешик тўғри думалоқ шаклга эга бўлиши керак;

металлнинг ички юзасида тешикнинг контури бўйича йиртиқлар ва металл қатламланиши бўлмаслиги керак. Матрица томонидаги тешик контури бўйича ғудурлар олиб ташланиши керак.

166. Турғун болтлар учун учларида биттадан тешикка эга бўлган элементларда тешик марказидан қирқим узунлиги ± 1,5 mm дан ошадиган оғишларга эга бўлмаслиги керак. Қирқимнинг минимал узунлиги, минуслиги йул қўйилишни ҳисобга олганда, тешикнинг 1,25 диаметридан кам бўлмаслиги керак.

167. Тешиклар орасидаги йўл қўйиладиган улчамлар қуйидагилардан ошмаслиги керак:

± 0,7 mm — айрим элементларда ёнма-ён тешиклар ўртасида;

± 1,0 mm - тешиклар гуруҳи марказлари ўртасида (бошқа элементлар билан бирикиш учун);

± 1,0 — тешиклар гуруҳи сурилиши, секциялар ўқи бўйлаб пайвандланувчи секцияларнинг ёнма-ён камарларидаги чоклар учун.

168. Таянчлар конструкциясини тайёрлашни элементларни ўзаро алмашинишини, шунингдек монтаж бирикмаларда тешикларни бир бирига мос тушишини таъминлайдиган кондукторлар ва мосламалар орқали бажариш лозим бўлади.

169. Синов йиғимидан ҳар эллигинчи таянч ва 50 донадан кам бўлмаган ҳар бир тайёрланган партиядан камида бир таянч ўтказилиши керак. Синов йиғимидан, шунингдек янги ёки таъмирланган кондукторлар бўйича тайёрланган ҳар биринчи таянч ўтказилиши керак.

170. Ҳар бир партиядан 2 % миқдорида таянчлар элементларида уларнинг узунлиги, чекка тешиклари орасидаги масофалари шунингдек ёнма-ён тешиклар марказлари ўртасидан ўлчамнинг лойиҳа ўлчамларига мос келиши текшируви ўтказилиши керак.

171. Пайвандланган бирикмалар чокларининг сифати ушбу регламентнинг 3-жадвалига мувофиқ текширилади.

Танловли назорат ушбу регламентнинг 3-жадвалининг 3-банди бўйича ҳар 20 m чокка 50 mm узунликка эга битта майдон ҳажмида бажарилиши керак.

172. Пўлат конструкциялар руҳланган ёки грунтовка қилинган ва бўялган бўлиши керак. Рухланган конструкциялар учун рухланган болтлар, гайкалар ва шайбалар қўлланилиши керак. Пўлат конструкцияларни қиздириб рухлашда пўлат мўртлиги пайдо бўлишига қарши чоралар кўрилиши керак.

13-боб. Кўприклар конструкциялари учун қўшимча қоидалар. Умумий кўрсатмалар

174. Ушбу қўшимча қоидаларга оралиқли қурилмалар ва темирйўл, автомобиль йўли, шаҳар ва пиёдалар кўприкларининг пўлат конструкцияларини тайёрлашда риоя қилиниши керак.

175. Кўприклар конструкциялари ихтисослашган кўприк заводларида, шунингдек кўприк конструкцияларининг юқори сифатини таъминлайдиган зарур шароитларга эга металлконструкция заводларида тайёрланиши лозим.

176. Осма ва вантли махсус кўприкларни С590 маркали ва ундан юқори мустаҳкам пўлатдан тайёрлашда, ушбу регламент билан бир қаторда, лойиҳада келтирилган махсус кўрсатмаларга амал қилиш керак.

177. Кўприклар конструкцияларини тайёрлашда сертификати бўлмаган прокат, пайвандловчи материяллар ва металл буюмларни қўллашга йўл қўйилмайди.

EZR3847

1 §. Текислаш ва эгиш тартиблари

178. Қисмлар текислашдан кейин ёриқлар ва йиртиқларга эга бўлмаслиги керак.

Универсал ва тилимли пўлат қиличсимонлигини совуқ текислаш валецларда қистирмалар орқали думалатиб ўтказиш билан бажарилишига йўл қўйилмайди.

179. Ҳисобий ҳарорати минус 40 °С гача паст бўлган ҳудудларда эксплуатация қилинадиган кўприк конструкцияларини эгиши иссиқ ҳолатида; совуқ эгиш кўрсатилган конструкцияларнинг фақат ясси қисмларига нисбатан йўл қўйилади. Бунда эгишнинг минимал радиуси 1-жадвалда келтирилган регламентга жавоб бериши керак.

Термик яхшиланган пўлатдан (шу жумладан С375 маркали пўлатдан) қисмларни кўчириб ўтказишга йўл қўйилмайди. Кўрсатилган қисмларни иссиқ ҳолда текислаш ва эгиш ҳароратнинг 600 °С гача диапазонида бажарилади. Қизиш ҳароратини кўз билан кўриб (қизариш ранги бўйича) аниқлашга йўл қўйилади, бунда термик текислаш синовдан ўтган ва тегишли ҳужжатга эга газ билан текисловчилар ёрдамида бажарилиши керак.

2-§. Белги қўйиб чиқиш, қирқиш ва қирраларга ишлов бериш тартиблари

180. Пайванд элементлари қисмларига эритиш рақамлари тамғаланадиган жойлари МКД чизмаларида тайёрлаш ва мантаж қилишда пайванд чоклари қўйиладиган жойларга 100 mm дан яқин бўлмаган қилиб таъминланади. Металлургия заводларининг прокатда бўлган тамғалари агар уларнинг жойлашиши МКД чизмаларининг юқорида кўрсатилган талабларини қаноатлантирмаса, ҳисобий ҳарорати минус 40 °С гача паст бўлган ҳудудларда эксплуатация қилинадиган кўприк конструкциялари қисмларида тамғалар излари қолмагунча тозаланиши керак.

181. Ҳисобий ҳарорати минус 40 °С паст бўлган ҳудудларда эксплуатация қилинадиган кўприк конструкциялари қисмларга белги қўйиб чиқишда кернлаш 0,5 mm дан кўп бўлмаган чуқурликкача йўл қўйилади: кернлаш излари ишлов берилган қисмлар қабул қилингандан кейин эговланиб йўқотилади.

182. Ҳавонинг манфий ҳароратида қайчиларда қирқишга йўл қўйилмайди.

С345 ва ундан юқори маркали пўлатни ҳавонинг манфий ҳароратида кислородда қирқиш зонасида металлни 100 °С га қиздириб амалга оширилади.

183. Кўприклар пўлат конструкциялари ҳамма ишлари мўлжалланган қисмларнинг эркин ёки чала пайвандланадиган қирраларни сифати 14-жадвал талабларини қондириши керак.

184. Кўприк конструкциялари қисмларни машинали, кислород билан қирқилиши махсус йўриқномага мувофиқ синовдан ўтган ва малакасини исботлайдиган ҳужжатларга эга қирқувчилар томонидан бажарилади.

Шу тоифали қирралар учун йўл қўйиладигандан ошадиган қирқиш нотекислиги баландлигига эга бўлган айрим жойлари, юлинган жойларни (1 m қирқиш узунлигига биттадан кўп эмас) майин эговлаб йўқотишга йўл қўйилади. Ушбу регламентнинг 8-жадвалдаги қийматларга мувофиқ қисмларда чизиқли ўлчамларини лойиҳадагидан оғишига риоя қилинган ҳолда, юлинган жойларнинг ортиқча чуқурлигида нуқсонли жойларини махсус йўриқнома бўйича пайвандлаб тўғрилашга йўл қўйилади.

185. Бўйлама ва кўндаланг тўсинларнипг вертикал варақлари, шунингдек горизонтал ва вертикал қаттиқлик қирралари учларидаги думалоқланган қирқимлар, мажбурий

равишда бурчак чўққисида, диаметри тегишли равишда 30 mm (тўсинларда) ва 25 mm (қирраларда) дан кам бўлмаган тешиклар пармалаб бажарилиши керак.

Бўйлама ва кўндаланг тўсинларнинг, шунингдек чўзилган зонага тушадиган горизонтал қаттиқлик қирраларнинг, вертикал варақлари учларидаги қирқимларнинг чизиқли четлари механик ишлов беришга олинишлари керак, қолган қаттиқлик қирраларнинг учларидаги қирқимларнинг айнан қирраларида штамповкадан кейин ғудурлар йўқотилади.

14-жадвал

Қирралар тоифаси	Шу тоифага кирувчи қирралар тури	Деталлар қиррасининг сифатига қўйиладиган талаблар				
		Қўлда ёй ва кислородли (ҳаво ёки кислородли) Қирқилгандан кейин ҳамма конструкциялар	Ҳисобий ҳарорати минус 40 ℃ гача (40 ℃ ҳам) ҳудудларда эксплуатация қилинадиган С235, С245, С255 ва С345 маркали пўлатдан ясалган конструкциялар		Ҳисобий ҳарорати минус 40 ℃ дан-паст бўлган ҳудудларда эксплуатация қилинадиган конструкциялар	
			Қайчиларда қирққандан кейин	Машинада кислородда қирқилгандан кейин	Қайчиларда қирққандан кейин	Машинада кислородда қирқилгандан кейин
I	1.Конструкцияларни эксплуатация қилишда чўзилишга ишлайдигпн деталларда бўйлама қирралар шунингдек эгри учлардаги қирралар	Механик ишловга тортилиши керак ва ушбу регламентнинг 3.16- ва 3.85-бўлимлар талабларига мос келиши керак	Механик ишловга тортилиши керак ва ушбу регламентнинг 3.16- ва 3.85-бўлимлар талабларига мос келиши керак	Сирт тозалиги бўйича ГОСТ 14792-80 – II синфига мос келиши керак	Механик ишловга тортилиши керак ва ушбу регламентнинг 3.16- ва 3.85-бўлимлар талабларига мос келиши керак	Сирт тозалиги бўйича ГОСТ 14792-80 – I синфига мос келиши керак
II	2. Фасонкаларнинг ҳамма қирралари	Айнан ўша	Айнан ўша	Айнан ўша	Айнан ўша	Сирт тозалиги бўйича ГОСТ 14792-80 – II синфига мос келиши керак
III	3. Чок ўламаларининг ҳамма қирралари	-	-	--	-	Айнан ўша
	4.Бирлаштирувчи планкаларнинг ҳамма қирралари	-	-	-	-	-
	5. Сиқилишга ишлайдиган қисмлар қирралари	-	-	Сирт тозалиги бўйича ГОСТ 14792-80– III синфига мос келиши керак	-	-

EZR3847

				Сирт тозалиги бўйича ГОСТ 14792-80– III синфига мос келиши керак		
	6.Ҳисобланмайдиган элементлар қисмлари қирралари	Механик ишловга тортилиши керак ва ушбу регламентнинг 3.16- ва 3.85- бб талабларига мос келиши керак	0,3 mm дан ошадиган нотекисликлар, ғудурлар ва ўйиқлар ва ёриқларга эга бўлмасликлари керак	Айнан ўша	0,3 mm дан ошадиган нотекисликлар, ғудурлар ва ўйиқлар ва ёриқларга эга бўлмасликлари керак	Сирт тозалиги бўйича ГОСТ 14792-80– III синфига мос келиши керак
	7. 2–4 бўлимларда кўрсатилгандан ташқари ҳамма қисмларнинг уч қирралари	Айнан ўша	Айнан ўша		Айнан ўша	Айнан ўша
Бу талаблар чўзиш кучланиши монтаж даврида ҳисобланган қаршиликнинг 80 % ини ташкил қилган қисмларнинг қирраларига ҳам тақалади.						

3-§. Йиғиш талаблари

186. Кўприк конструкцияларининг пайвандланган элементларини йиғишда, кейинчалик пайванд чоклари тушмайдиган жойларда ушлагичлар қўллаш МК чизмаларини ишлаб чиққан ташкилот билан келишилган бўлиши керак. Пўлатдан ясаладиган, регламент бўйича пайвандлашга тортилмайдиган элементларга ушлагичлар ўрнатишга йўл қўйилмайди.

187. Пайвандланган кўприк конструкциялари элементлари йиғимини бажаришда қисмларни зич сиқилишини ва кантовкалашда берилган геометрик шаклни сақланишини таъминловчи кондуктор-кантовкаловчилардан фойдаланиш.

188. Қисмларнинг босим ўтказувчи учлари ва юзалари текис ва ясси бўлиши керак. Таянч варақлари сиртининг текисликдан оғиши, узунлиги 1 m дан катта бўлган, қиррасиз ўрнатиладиган чизғичда текширилганда 0,3 mm дан ошмаслиги керак.

4-§. Пайвандлаш тартиби

189. Кўприк конструкциялари элементларини, дастлабки қиздиришсиз, қўл ва ярим автоматик ёй пайванди бажарилаётганда, пўлатнинг йўл қўйиладиган минимал бошланғич ҳарорати 2-жадвал бўйича варақланган хажмли ва яхлит деворли конструкциялар учун қабул қилинади.

Темирйўл кўприклари конструкциялари пайвандини фақат иситиладиган цехларда бажариш керак.

190. Кўприк конструкциялари элементларини пайвандини кондуктор-кантовкаловчиларда маҳкамланган ҳолатда бажариш лозим.

191. Кўприкларнинг пайвандланган конструкциялари ушбу регламентнинг 63-банди (а) ва (г) кичик бандларининг талабларини қониқтириши керак; бундан ташқари, қирралар бўйича пайвандланмай қолган жойларга, шунингдек учма-уч чокларда ва лойиҳа бўйича бурчак ва таврли бирикмаларнинг боши очиқ пайвандланадиган майдонларида тўлдирилмай қолган жойларига эга бўлмаслиги керак. Пайвандланган металл бутун узунлиги буйлаб зич ва ёриқсиз бўлиши керак.

Кўприклар пўлат конструкцияларининг пайвандланган бирикмаларининг чоклари технологик нуқсонлари бўйича қуйимлар ушбу регламентнинг 15-жадвалида келтирилган, назорат усуллари ва меъёрлар эса - 16 жадвалида. Сифат назорати махсус йўриқномага мувофиқ ўтказилади.

Нуқсонли чокни тутиш ушбу бирикмани ясаш учун лойиҳада кўзда тутилган пайвандлаш усули билан амалга оширилади. Баъзи ҳолларда, завод инспекцияси билан келишиб автомат бажарилган чоклар нуқсон майдонларини ярим автоматда пайвандлашга йўл қўйилади. Чокнинг нуқсонли майдонини икки мартадан ортиқ тузатишга, камдан-кам ҳолларда ушбу регламентнинг 74-банди талабларига риоя қилиб, йўл қўйилади.

15-жадвал

Пайвандланган бирикмалар чокларининг тоифаси	Ушбу тоифага кирувчи пайвандланган бирикмалар чокларининг турлари	Пайвандланган бирикма чокида технологик нуқсон		
		Ташқи ва ички ғоваклар, шлак қўшилмалари	Кучланишга кўндаланг қирқимлар	Кучланиш бўйлаб қирқимлар
I	1.Яхлит тўсинларнинг[2] чўзилган[1] белбоғлари учма-уч кўндаланг ва бўйлама чоклар.	Учма-уч чок кенглигининг четки чорагида (1-, 2-, 7-бандлар) ва ушбу жадвалнинг 4-, 5-, 6-бандларида айтиб ўтилган бирикмаларда ғоваклар ёки диаметри металл қалинлигининг 2 % дан катта ва 1 mm дан катта шлак қўшилмалар бўлишига йўл қўйилмайди. Учма-уч чокларнинг қолган зонасида (1-, 2-, 7-бандлар) ва 3-бандда кўрсатилган бирикмаларда 25 mm гача қалинликдаги металл учун диаметри 1 mm дан кўп бўлмаган якка нуқсонлар ва қалинлиги 25 mm дан ортиқ металл учун қалинлигининг 4 % идан кўп бўлмаган 400 mm чок узунлиги қисмида 4 дан ортиқ бўлмаган нуқсонлар бўлишга йўл қўйилади.	Тузатилмаслигига йўл қўйилмайди. Қалинлиги 20 mm гача металл чуқурлиги 0,5 mm гача чуқурликга эга ва қалинлигининг 3% дан ортиқ чуқурликка эга қирқимлар, шунингдек узунлиги чок узунлиги 20 % га узунликдаги қирқим чуқурлиги металл қалинлигининг 6 % дан кўп бўлмаган маҳаллий қирқимларни аввалдан пайвандламасдан тўғрилашга рухсат этилади.	Тузатилмаслигига йўл қўйилмайди. Қалинлиги 20 mm гача металл чуқурлиги 1 mm гача қалинлиги 20 mm дан ортиқ металлда чуқурлиги қалинлигининг 6 % идан кўп бўлмаган қирқимлар бўлагнда уларни тозалаб йўқотиш мумкин. Ортиқ қурилмалар кўндаланг конструкцияси **элемент**лари бириктирилмайдиган қаттиқлик қирраларида бевостита, жойлашган, чуқурлиги 1 mm дан ортиқ бўлмаган қирқимларни тузатмасдан қолдириш мумкин.
	2.Фермалар[3] чўзилган элементларнинг кўндаланг ва бўйлама учма-уч чоклари.			
	3. Конструкцияларнинг асосий қисмлари ва бўйлама учма-уч чоклари.			
	4. Фермаларнинг чўзилган элементларига ва яхлит тўсинларнинг чўзилган камарнинг тугун фасонкалари ёки кучланиши бўйлаб жойланган боғланиш фасонкаларини ёпиштурувчи учма–уч ва бурчак чокларининг чет қисмлари (100 mm узунликда)			

	5. Чўзилган яхлит тўсинлар (девор ёки камар) қисмини қисмларидан бирида узилиш жойида ва фермаларнинг чўзилган элементларидаги бурчак камар ва бирлаштирувчи чокларнинг чекка қисмлари (100 mm) узунликда)		Юқорида кўрсатилган қаттиқликлардан ортиқ қирқимларни пайвандлаш, сўнгра тозалаш керак; қирқимларини пайвандлашда, пайвандланган металл қаттиқлиги бўйича ушбу регламент 5-боби талаблари пайвандлаш усулидан қатъи назар, бажарилиши таъминланиши керак.	
	6. Юқори кенгайтирувчи бўғинларнинг учларини ёки оралиқда кесилган қаттиқ тўсинларнинг чўзилган камарлари пакетларини боғлайдиган бурчакли қийшиқ чокларнинг чекка қисмлари (узунлиги 100 mm)			
	7. Чўзилган зона баландлигининг 40 % давомидаги аммо чўзилган камар ҳисобланганда камида 200 mm да тўсин деворларининг кўндаланг учма-уч чокларининг чекка қисмлари.			
II	8. Яхлит тўсинлар чўзилган камарларнинг бурчак камар чоклари (5-бандаги бурчак чоклардан ташқари).	Диаметри 1,5 mm дан катта бўлган якка нуқсонларга йўл қўйилади, 400 mm узунликдаги чок қисмида 5 тадан кўп бўлмаган нуқсонлар миқдорида. Нуқсонлар орасидаги масофа 15 mm дан кам эмас	Тузатилмаслигига йўл қўйтлади. Мавжуд қирралар 1-тоифали чокларда кўрсатмалар бўйича тозалаб ёки пайвандлаб, сўнгра тозалаб, йўқотилади.	Кенглиги камида 2 mm бўлганда чуқурлиги 1 mm дан кўп бўлмаган ва текис гардишдаги қирқимларга тозалаб ёки пайвандлаб, сўнгра тозалаб, 1-тоифа чоклари учун кўрсатмалар бўйича йўқотилади.
	9. Фермалар чўзилган элементларидаги бириктирувчи бурчак чоклари (5-бандаги бурчак чоклардан ташқари).			
	10. Ясси тўсинлар чўзилган камарлари пакетларининг бириктирувчи бурчак чоклари (6-бандаги бурчак чоклардан ташқари).			
	11. Чўзилган зонадаги тўсинлар деворининг кўндаланг учма-уч чоклари чет қисмига ёпишган баландликнинг 40 % узунлигидаги қисмида (7-бандга қаранг)			
	12. Чўзилган зонада унинг баландлигининг 80 % доирасида, чўзилган камар дан бошлаб ҳисобланганда жойлашган деворнинг бўйлама учма-уч чоклари			
	13. а) чўзилган зонадан тўсинлар деворига унинг 40 % узунлиги доирасида, чўзилган камардан бошлаб ҳисоблаб, боғланиш горизантал фасонкаларига ёпиштирувчи			

EZR3847

	бурчак чокларининг чекка қисмлари (100 mm узунликда) б) фермалар чўзилган элементларига ва яхлит тўсинлар чўзилган камарларига боғламаларнинг тугун фасонкалари ёки кучланиш бўйлаб жойланган боғланиш фасонкаларини кесма пўлат темир-бетон оралиқ қурилмаларида эса тиргакларни, ёпиштирувчи учма-уч бурчак чоклари (чекка қисмларидан ташқари, 4-бандга қаранг)			
III	14. Яхлит тўсинлар камарларининг кўндаланг ва бўйлама учма–уч чоклари	Диаметри 2 mm дан кўп бўлмаган якка нуқсонларга, 400 mm дан кўп бўлмаган нуқсонларга йўл қўйилади. Нуқсонларнинг орасидаги масофа камида 10 mm.	Кўрсатмалар бўйича II тоифали чоклар учун	
	15. Фермалар сиқилган элементларнинг кўндаланг ва бўйлама учма-уч чоклари			
	16. 7- ва 11-бандан ташқари тўсинлар деворларининг жойдаги кўндаланг учма–уч чоклари			
	17. Тўсинлар деворларининг, тўсин баландлиги 12-банддан ташқари қолган қисмида жойланган бўйлама учма-уч чоклари			
	18. Фермаларнинг сиқилган элементларига ва яхлит тўсинлар сиқилган камарларига фасонка тугунларини бириктирувчи учма–уч бурчак чоклари ёки фасонка боғламалари кучланиши бўйлаб жойлашган пўлат темир-бетон оралиқ қурилмаларида – тиргаклар.			
	19. Яхлит тўсинларнинг сиқилган камарларининг бурчакли камар чоклари.			
	20. Сиқилган ферма элементларининг бурчакли боғловчи чоклари.			
	21. Қаттиқ тўсинларнинг сиқилган камарлари пакетларининг бурчакли уланиш чоклари.			
